Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

O`zLiDeP

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2016-yil 14-yanvar, payshanba,

2 (634)-son

e-mail: xxi_asr@umail.uz
web sayt: www.21asr.uz

Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chiqa boshlagan

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

**Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, қадрли юртдошлар!**

Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 24 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Биз чорак аср мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга назар ташлар эканмиз, ўз вақтида қабул қилинган ва чуқур ўйланган ислоҳотлар дастурини амалга ошириш натижасида Ўзбекистон бугунги кунда профессионал тайёргарликка эга бўлган, яхши таъминланган, Ватанимиз ва халқимизга садоқатли, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли вазифаларни самарали адо этиш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Мамлакатимизнинг замонавий Қуролли Кучларини ташкил этишда ҳарбий қурилиш соҳасига принципиал жиҳатдан янгича ёндашувнинг ишлаб чиқилгани кўп жиҳатдан ҳал қилувчи омил бўлди. Бу ёндашув эски, ўз умрини ўтаб бўлган, бир қолипдаги қарорлардан бутунлай воз кечиш, эҳтимол тутилган ҳарбий ҳаракатлар театри ҳамда яқин ва узоқ ён-атрофимизда шиддат билан ўзгариб бораётган вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, шунингдек, хорижий давлатларнинг тажриба ва ютуқларини амалий жиҳатдан пухта ўзлаштиришга асосланганини таъкидлаш лозим.

Бугун биз, миллий армиямиз тарихий ва миллий анъаналаримизни сақлаган ҳолда, ҳарбий қурилиш ва ҳарбий санъат соҳасида дунёдаги энг яхши тажрибаларни ўзлаштириб, чегараларимиз хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди, деб ғурур билан айта оламиз. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг таянчи ва суянчи бўлган замонавий ҳарбий хизматчилар тимсолида биз авваламбор чуқур билим ва интеллектуал салоҳиятга, ўз муқаддас ҳарбий бурчини бажариш йўлида қатъий ирода ва мустаҳкам тайёргарликка эга бўлган, она юртимизга садоқатли, мард ва фидойи инсонларни кўрамиз ва улар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

**Қадрли дўстлар!**

Биз яшаётган бугунги замон ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини барчамиз ўзимизга доимо яхши тасаввур қилганмиз ва тасаввур қиламиз. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида вазият қандай тез ўзгариб, дунёнинг айрим минтақаларида аҳвол тобора кескин тус олаётгани, турли қарама-қаршиликлар, можаро ва қон тўкишлар кучайиб, халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи ортиб бораётгани, яқин ён-атрофимизда давом этаётган ҳарбий тўқнашувлар бизда чуқур ташвиш ва хавотир туйғусини уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Юзага келаётган ана шундай мураккаб ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган вазият барчамиздан юқори даражадаги огоҳликни сақлаш ва доимий тайёргарлик ҳолатида бўлишни, миллий армиямизни янада ислоҳ этишга қаратилган эътиборни кучайтиришни, уни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги самарасини оширишни, бир сўз билан айтганда, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва жанговар қобилиятини ҳар томонлама мустаҳкамлашни талаб этади.

Шу муносабат билан бугунги кунда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш ўта муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайман.

**Биринчидан,** вужудга келаётган ҳарбий-сиёсий вазиятни, замонавий ҳарбий санъат соҳасидаги ютуқлар ва ҳарбий қурилиш борасида тўплаган тажрибамизни, шунингдек, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, миллий армиямизнинг ташкилий тузилиши ва жанговар таркибини, қўшинларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш лозим.

Ўзбекистонга қўшни минтақаларда вазият доимий равишда ўзгариб, таҳдидлар кучайиб бораётган, мамлакатимиз ҳудудига турли босқинчи тўдалар ва қўпорувчи гуруҳларнинг суқилиб кириш эҳтимоли истисно этилмаётган бир шароитда ҳарбий тузилмаларни, биринчи навбатда, хавф-хатар юқори бўлган операцион йўналишларда янада мустаҳкамлаш ва сафарбар этишга устувор аҳамият бериш зарур.

Айниқса, ўтказилаётган жанговар машғулотларга алоҳида эътибор қаратиш ва ушбу йўналишдаги принцип ва ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқиш, машғулотларни ҳар қайси ҳудуд ва минтақадаги мавжуд реал шароитга энг юқори даражада яқинлаштириш, эҳтимол тутилган душманнинг амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатлари хусусиятларини аниқлаш, қўмондонлик таркиби ва штабларни вазиятни ҳар томонлама баҳолаш ва асосланган қарорлар қабул қилишга ўргатиш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, қўшинларни тезлик билан бир жойдан бошқа жойга кўчириш масалаларини амалий машғулотларда синовдан ўтказиш, ҳар қайси ҳарбий хизматчининг қурол-яроғ ва техникани ишончли равишда ишлата олиши, жисмоний ва маънавий-руҳий жиҳатдан ўта оғир ва мураккаб вазиятларда ҳам мустаҳкам ирода ва матонат кўрсатиб, ўз вазифасини соғ-омон адо этиши учун уларнинг индивидуал малакасини мунтазам равишда ошириб бориш зарур.

Ана шу мақсадларга эришишда полигонларнинг тўлақонли фаолият юритишини ва улардан кенг фойдаланишни таъминлаш, бунинг учун уларнинг инфратузилма ва ўқув моддий-техник базасини ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги ишларни давом эттириш даркор.

**Иккинчидан,** Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти, уларнинг ҳаракатчанлиги ва тезкорлигини янада оширишга, махсус операциялар учун мўлжалланган кучлар, вертолётлар ва қўшимча равишда жалб этилган бошқа техникалардан фойдаланган ҳолда, душманнинг заиф нуқталарига зудлик билан шиддатли зарбалар бериш малакасини пухта эгаллашга имкон берадиган қурол-яроғ ва техникаларнинг энг янги турлари билан қўшинларни таъминлаш дастурларини босқичма-босқич амалга ошириш зарур.

**Учинчидан,** қўмондон ва сержант кадрлар таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш масалаларига эътиборни бир зум ҳам сусайтирмаслик лозим. Бу борада ҳарбий хизматчиларимизнинг ўз профессионал, назарий ва амалий билимларини узлуксиз ошириб бориши, хизматни ўташ ва жанговар фаолият давомида зарур бўладиган тажриба ва кўникмаларни эгаллаши учун барча имкониятларга эга бўлган Қуролли Кучлар Академияси, ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларининг ўқув тизимини такомиллаштиришга қаратилган ишларни давом эттириш долзарб аҳамиятга эга.

Шулар қаторида миллий армиямизнинг замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан босқичма-босқич таъминланиши, унинг жанговар таркиби ва тузилишидаги ўзгаришлар, қуролли тўқнашувларнинг ўзгариб бораётган хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, мутахассисликлар таркиби, ҳарбий фанларни ўқитишнинг метод ва технологиялари ҳамда ўқув дастурлари рўйхатини доимий тарзда янгилаб, уларга аниқлик киритиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ҳарбий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибининг малакасини янада ошириш, уларнинг чет тилларини эгаллаши, таълим жараёнларини ташкил этиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириши ва ўқув ишларига энг янги ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Айни пайтда Қуролли Кучлар Академияси ва мамлакатимизнинг шу йўналишдаги бошқа таълим муассасаларида ҳарбий фанларнинг энг зарур ва долзарб йўналишлари бўйича дарс бериш учун хорижий давлатларнинг етакчи ҳарбий таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари ўқитувчилари, эксперт ва мутахассисларини кенг жалб этиш борасидаги ишларимизни тизимли ва изчил асосда кучайтиришимиз керак.

**Тўртинчидан,** дунё шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги замонда, халқимизнинг маънавий қадриятлари, маданияти ва урф-одатларига мутлақо зид бўлган, ёт ва бузғунчи ғояларни жамиятимиз ҳаётига турли йўллар билан сингдиришга қаратилган уринишлар кучайган, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини эгаллаш учун кескин кураш кетаётган бир шароитда, ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматгача бўлган ёшдаги фарзандларимизни тарбиялаш ва уларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириш борасидаги ишларнинг роли ва ўрни тобора ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан таълим муассасалари, ҳарбий ва меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда ёшларимиз қалбида Ватанга юксак муҳаббат, Қуролли Кучларимиздан ғурурланиш ва ҳарбий хизматга чуқур ҳурмат туйғуларини камол топтириш мақсадида ҳарбий ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларни янада кучайтириш, ҳеч шубҳасиз, алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Ана шундай узоқ муддатга мўлжалланган, долзарб вазифаларни амалга оширишда Мудофаа вазирлиги қошидаги Жамоатчилик кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари ва тузилмалар, маданият, санъат ва спорт соҳаларининг кўзга кўринган намояндаларининг ўрни ва таъсири беқиёс, албатта.

Бундай ўта муҳим ишда расмиятчилик ва юзаки ёндашувлардан воз кечган ҳолда, оммавий ахборот воситалари ва Интернетнинг миллий тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир.

**Бешинчидан,** ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тураржой, маиший ва тиббий хизмат билан таъминлаш бўйича давлат дастурларини сўзсиз бажариш зарур. Юртимизда 2016 йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган ҳукумат қарорлари ва давлат дастурлари доирасида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ, комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари нуфузини янада мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи омили аввало ҳарбий хизматни ўташ учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, ҳарбий хизматчилар ва уларни оилаларининг ижтимоий ҳимояси ва фаровонлигини таъминлаш билан узвий боғлиқдир.

**Ҳурматли ватандошлар!**

Фурсатдан фойдаланиб, бизнинг Ҳарбий доктринамиз мудофаа характерига эга эканини, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини ошириш йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимиз биринчи навбатда мамлакатимизнинг давлат суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга қаратилганини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳеч қайси ҳарбий блокка қўшилмайдиган давлат сифатида, ҳар томонлама чуқур ўйлаган ва тўлиқ англаган ҳолда, ўзи учун принципиал аҳамиятга эга бўлган муҳим йўлни танлаб олди ва шу йўлда қадам қўйди. Яъни, мамлакатимиз тинчликсевар сиёсат олиб бориш, ҳарбий-сиёсий иттифоқ ва коалицияларга қўшилмаслик, ўз ҳудудида хорижий ҳарбий база ва объектларни жойлаштирмаслик, юртимиздан ташқарида бўладиган тинчликпарварлик операцияларида қатнашмаслик бўйича ўз позициясини аниқ-равшан белгилаб олди.

Бугунги байрам айёмида, авваламбор, ўзининг шарафли, олижаноб ва масъулиятли бурчини – Ватанни ҳимоя қилишдек буюк вазифани муносиб адо этаётган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига чин қалбдан ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Янги – 2016 йилда Қуролли Кучларимиз сафларида муқаддас бурчини бажариб келаётган сиз, мард ва ботир ўғлонларимизга – оддий аскар ва сержантларга, офицер ва генералларга Ватанга садоқат билан хизмат қилиш йўлида мустаҳкам соғлиқ, куч-қувват ва катта муваффақиятлар, хонадонларингизга бахт ва фаровонлик тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони**



# МАМЛАКАТИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

**«Туркистон» саройида 13 январь куни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев ўқиб эшиттирди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир, замонавий, ҳар томонлама яхши қуролланган миллий армиямизни ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 1991 йил 6 сентябрдаги Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги фармони бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлар пойдевори бўлди. Кейинчалик Президентимиз фармонига мувофиқ, Мудофаа ишлари вазирлиги Мудофаа вазирлигига айлантирилди.

Президентимиз ташаббуси билан 1992 йил 14 январда мамлакатимиз парламентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши тарихий аҳамиятга эгадир. Шу кундан эътиборан мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва муассасалар Ўзбекистон Республикаси тасарруфига ўтказилди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 1993 йил 29 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонунига биноан 14 январь Ватан ҳимоячилари куни, деб эълон қилинди. Мазкур тарихий ҳужжатга асосан Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.

Қуролли Кучларимизни шакллантириш жараёнида энг долзарб масалалардан бири – кадрлар масаласи эди. 1990 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизини ташкил этарди. Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида ҳарбий таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди. Бир қатор олий ҳарбий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда ҳарбий хизматга салоҳияти баланд, аҳди қатъий, шижоатли, мард ва жасур ҳарбий кадрлар тайёрлашга киришилди.

2

## Партия фаоллари ёшлар ҳузурида

# ҒОЗҒОНдаги МАСЛАКДОШларимиз фестивали

**O`zLiDeP Навоий вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими Нурота туманидаги Ғозғон саноат-кончилик коллежида мазкур ҳудуддаги мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда «Биз буюк юрт фарзандларимиз» шиори остида фестиваль ўтказди. Ушбу оммавий тадбир доирасида турли викторина ва спорт ўйинлари ташкил этилгани ҳам иштирокчиларда ўзига хос таассурот қолдирди.**

Фестиваль «Қувноқ стартлар» мусобақаси билан бошланди. Ушбу беллашув ғолиблари 3 та шарт натижасига кўра аниқланди. Сўнгра фестиваль қатнашчилари «Президент асарлари билимдони» лойиҳасида иштирок этиб, Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» китоблари асосида тузилган саволларга жавоб қайтардилар. Вилоятимиз ёшлари Президентимиз асарлари мазмун-моҳиятини яхши англаб етганлари кўпчиликни ҳаяжонга солди. Айниқса, О. Тўхтаева, Г. Раҳмонова, Ш. Ҳасанов, Н. Маматова каби ғозғонлик талабаларнинг дунёқараши ва билимдонлиги олқишларга сазовор бўлди.

«Авлодлар учрашуви» деб номланган навбатдаги лойиҳада республикамизнинг турли ҳудудларида йигитлик бурчини ўтаётган аскарларнинг ота-оналари ҳам фаол иштирок этиб, Ватан ҳимоячисининг ота-онаси бўлиш ҳам ўзига хос саодат эканлигини таъкидладилар.

Фестиваль якунида фаол иштирокчилар, ҳарбий хизматдаги аскарлар ота-оналарига тадбир ташкилотчилари томонидан фахрий ёрлиқлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Жўрабек АСЛОНОВ,**
**O`zLiDeP Навоий вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири.**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 12 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1968,51 | 1 АҚШ доллари | 2821,43 | 1 Хитой юани | 428,67 | 1 Польша злотийси | 705,45 | 1 ЕВРО | 3053,85 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4098,97 | 1 Миср фунти | 360,34 | 1 Россия рубли | 38,69 | 1 СДР | 3905,82 | 10 Жанубий Корея вони | 23,37 |
| 1 Дания кронаси | 412,75 | 1 Исландия кронаси | 21,81 | 1 Украина гривнаси | 120,05 | 1 Туркия лираси | 931,10 | 10 Япония иенаси | 240,29 |
| 1 БАА дирҳами | 768,24 | 1 Канада доллари | 1993,66 | 1 Малайзия ринггити | 641,23 | 1 Швейцария франки | 2838,18 | | |

# ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

## МАМЛАКАТИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

**Давоми.** Бошланиши 1-саҳифада

Ҳозирги кунда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртлари, Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетида замонавий билим ва мутахассисликларга эга етук ҳарбий кадрлар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясида малакали офицерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ҳарбий соҳадаги илмий-амалий тадқиқотларни мувофиқлаштириш, мамлакатимизда ҳарбий таълимни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2012 йили Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ташкил этилган ҳарбий-тиббиёт факультети интеллектуал салоҳиятли, юксак малакали тиббий хизмат офицерлари, резерв ва захирадаги офицерлар таркибини тайёрлашга хизмат қилмоқда. Ушбу факультет Қуролли Кучлар тиббий ходимларининг ҳарбий ва касб тайёргарлиги даражасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш, билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш, ҳарбий-тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришни ташкил этиш борасидаги асосий таълим муассасаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларида Қуролли Кучларимиз учун 30 га яқин йўналиш бўйича юқори малакали офицер кадрлар тайёрланмоқда. Офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг самарали тизими яратилган бўлиб, булар Сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий таълим муассасалари, малака ошириш факультетлари, Қуролли Кучлар Академияси ҳузуридаги офицерларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш олий курслари ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясидир. Бу ўқув масканлари ҳарбий хизматчиларга профессионал, назарий ва амалий билимларини такомиллаштириш, ҳарбий-жанговар фаолиятида тажриба ва малакасини ошириш имконини бермоқда.

Қуролли Кучларда амалга оширилган улкан ислоҳотлар натижасида миллий армиямизнинг ташкилий тузилмалари бутунлай қайта кўриб чиқилди, Қуролли Кучларни тезкор-стратегик бошқаришнинг замонавий ва самарали тизими яратилди. Қўшин турларининг ўзаро ҳаракатланишини такомиллаштириш, уларни замонавий техника ва қурол-яроғ билан таъминлаш, жанговар ва ўқув тайёргарликнинг маъно-мазмунини ўзгартириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тубдан яхшиланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, армияда хизмат қилиш ёшларимиз учун алоҳида маъно-мазмунга эга бўлиб, унинг нуфузи ортиб бормоқда. Бундай хизматнинг жозибадорлиги фақат яратиб берилаётган имтиёзлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан юқори даражада таъминлангани билангина боғлиқ эмас, албатта. Бу, авваламбор, армия ёш авлодимиз учун ҳақиқатан ҳам мардлик ва мустаҳкам иродани, юксак ватанпарварлик туйғусини, Ватанимизга севги ва садоқат ҳисларини тарбиялайдиган ҳаёт мактабига айланганини билан изоҳланади. Мухтасар айтганда, мустақиллик йилларида ҳар томонлама тайёргарликка эга ва армияда чиниқиш мактабини ўтаган, ҳар қандай фурсатда Ватан ҳимояси учун тайёр бўлган бутун бир авлод вояга етди ва мустаҳкам оёққа турди, деб ғурур ва ифтихор билан таъкидлашимиз мумкин.

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлаш ва маиший шароитини янада яхшилаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. 2015 йилда ҳам кўплаб ҳарбий хизматчилар ўз уйларига эга бўлди.

Бу йил Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда «Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!» шиори остида нишонланмоқда. Давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, барча вилоятларда, олис қишлоқ ва маҳаллаларда учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда халқимиз юртимиздаги тинчлик-осойишталикни қадрлаши, бу азиз неъматни асраб-авайлашга барча ўзини бирдек дахлдор сезиши – Ўзбекистон ягона Ватан, бир тану бир жон экани намоён бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 12 январда қабул қилинган фармонига мувофиқ, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

— Ватанимизнинг юксак мукофотига муносиб кўрилганимдан фахрланаман, — дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири, «Мардлик» ордени соҳиби, капитан Улуғбек Абдуллаев. — Биз, ҳарбийлар давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва ғамхўрлигини ҳис этиб яшаяпмиз. Бу бизга катта куч ва маънавий мадад беради.

«Энг илғор олий ҳарбий таълим муассасаси», «Энг илғор Сержантлар тайёрлаш мактаби», «Энг илғор мудофаа ишлари бошқармаси» танлови ғолиблари эълон қилиниб, диплом ва эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Тадбирда «Жасорат» медали соҳиби, майор Исломиддин Норқобилов, «Мардлик» ордени соҳиби, кичик сержант Фарҳоджон Олимов, аскар онаси Малика Бекенова, халқаро тоифадаги ҳакам, ФИФА рефериси, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Равшан Эрматов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, шоира Энахон Сиддиқова ва бошқалар Ватан ҳимоячиларини байрам билан табриклаб, Президентимиз Ислом Каримовга ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирди.

Тантанали маросимда таниқли санъаткорлар ва ёш истеъдодлар ижросида катта байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Аскар оналари шарафланди

**Жиззах вилоят ҳокимлиги ва Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги ҳамкорлигида «Аскар оналарини шарафлаймиз» мавзуида маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унга республикамизнинг турли ҳудудларида хизмат қилаётган аскарларнинг оналари, хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбийларнинг оила аъзолари, фарзандлари таклиф қилинди.**

Бугун Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш нафақат фуқаролик, балки шарафли бурчга айланди. Ҳарбий хизматчилар, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларга имтиёз ва имкониятлар яратилган.

— Менинг ўғлим Шоҳрух Боliqулов Қашқадарё вилоятида ўз йигитлик бурчини ўтамоқда. У болалигиданоқ ҳарбий бўлишни орзу қиларди. Мана, бугун у Ватан ҳимоячисига айланди, — дейди Дўстлик туманида яшовчи Ширингул Турдимуродова. — Армия йигит киши учун ҳақиқий ҳаёт мактаби деганлари рост экан. Хизмат давомида ўғлимнинг улғайганини, жисмонан чиниққанлигини, маънавий дунёси бойиганини кўриб, чин юракдан қувондим. Бундай бахт барча оналарга насиб қилсин.

Тадбир давомида ҳар бир иштирокчининг қалбидан айнан шундай самимий тилаклар ўтгани шубҳасиз. Куй-қўшиққа, ширин дийдор онларига ошуфта дамларга бой учрашув давомида шарафли бурчини ўтаётган ҳарбийларнинг оналари, Ватан сарҳадлари ва тинчлигини таъминлаш йўлида жон фидо қилган ходимларнинг оила аъзоларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилиб, эсдалик совғалари топширилди.

**Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ.**

## Ўз вақтида киритилган қонунчилик ташаббуси

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP ва «Миллий тикланиш» ДП фракциялари ўртасида тузилган «Демократик кучлар блоки» йиғилишида депутатлар «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги амалдаги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи янги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.**

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»

Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган мазкур қонун лойиҳаси парламент қуйи палатасида концептуал жиҳатдан маъқулланиб, ўтган йилнинг декабрь ойида биринчи ўқишда қабул қилинган эди.

— Бугунги амалиёт қонуннинг айрим нормаларини бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш, асосий тушунчаларга аниқлик киритиш, бухгалтерия ҳисобини ва молиявий бошқарувга масъул шахсларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини мустаҳкамлаб қўйиш, бухгалтерия ходимлари касбий малакасига нисбатан қўйиладиган талабларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Илҳом Носиров. — Мақсад хўжалик юритувчи субъектлар, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини янада оширишдан иборат.



Йиғилиш иштирокчилари «бухгалтерия ҳисоби» соҳасидаги айрим тушунчалар юзасидан нормаларни қонун билан мустаҳкамлаб қўйиш, хусусан, «бухгалтерия ҳисоби» ва «бухгалтерия ахбороти» тушунчаларининг аниқ таърифларини белгилаш ўз вақтида ва тўғри таклиф этилаётганини қайд этдилар. Бу эса, ўз навбатида, бухгалтерия ҳисобини юритиш тамойилларининг тўлиқ очиб берилишини таъминлайди.

Блок аъзолари, шунингдек, қонун лойиҳасидаги бухгалтерия хизматлари раҳбарларига нисбатан талабларни ошириш орқали амалиётда уларнинг масъулиятини кучайтиришга қаратилган нормаларни ҳам қўллаб-қувватладилар. Йиғилиш давомида депутатлар лойиҳада таклиф этилган бухгалтерия хизматлари раҳбарларининг малакасини ошириб боришни назарда тутувчи нормани фақат йирик корхоналарнинг, яъни мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказиладиган хўжалик субъектларининг бухгалтерия хизмати раҳбарларига нисбатан белгилаш лозимлигини таъкидладилар.

Умуман олганда, «Демократик кучлар блоки» аъзолари «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритган ҳолда, уни янги таҳрирда қабул қилишни мақсадга мувофиқ, деб топдилар.

Якунда «Демократик кучлар блоки»нинг яхлит нуқтаи назари ишлаб чиқилди ва масъул қўмитага қонун лойиҳасини пухта ишлаш бўйича тавсиялар тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

## Меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий асоси

**Сир эмаски, қонун ижодкорлиги доимий изланишларга асосланган серқирра фаолиятдир. Бу жараёнда янги қонунни қабул қилгандан кўра амалда қўлланиб келинаётган ҳужжатга давр талабларидан келиб чиқиб, маълум ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш депутатлардан катта масъулият ва ишчанликни талаб этади.**



**Шуҳрат ШАРАФУТДИНОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Хусусан, фракциямиз томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини олайлик.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги қонун қабул қилинганидан буён орадан 22 йилдан зиёд вақт ўтди. Шу муддат давомида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини тартибга солувчи, соҳада замонавий талабларни белгиловчи кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Янги таҳрирдаги қонуннинг мақсади қонун нормаларини янги қабул қилинган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлаштириш, ташкилотларда иш берувчи ҳамда ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишнинг талабларини бажариш бўйича масъулиятини ошириш, махсус ваколатли ва бошқа давлат бошқаруви органларининг меҳнат шароитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан тегишли назоратни таъминлаш борасидаги вазифаларини белгилашдан иборатдир.

Моҳиятан олиб қараганда, янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси O`zLiDePнинг дастурий мақсад ва вазифаларига ҳамоҳангдир. Қайси маънодаки, кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, бошқарувнинг бозор механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида, айниқса, хусусий секторда иш беувчиларнинг сони сезиларли даражада кўпайди. Рақамлар тили билан гапирганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 56 фоиздан зиёдни ташкил этди ва ҳозирги вақтда бу соҳада аҳолининг 77 фоизидан зиёди меҳнат қилмоқда.

Шундай экан, партиямиз электоратини асосан иш берувчи бўлган тадбиркор ва фермерлар ташкил этиши ҳисобга олинса, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги амалдаги қонунни маромига етказиб қабул қилишдан барчамиз бирдек манфаатдормиз. Яъни, янги таҳрирдаги қонун иш берувчининг ҳам, ташкилотлар ходимларининг ҳам меҳнатини муҳофаза этиш талабларини бажариш борасидаги масъулиятини кучайтиради.

Мухтасар айтганда, мазкур қонун мамлакатимизда муносиб меҳнат шароитлари яратиш, меҳнатнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

## Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси

**Аввал хабар берилганидек, O`zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида долзарб аҳамият касб этувчи бир қатор қонун лойиҳалари биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.**

Дастлаб «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

Депутатларнинг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳасига асосан «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонуннинг 20, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилаётир. Бу билан монополияга қарши давлат органининг қарорларини (кўрсатмаларини) тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ариза билан нафақат судга мурожаат этиш, балки қарор (кўрсатма)ни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги ариза билан бўйсуниш тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиш ҳуқуқи белгиланмоқда.

Қолаверса, лойиҳага судга ариза берилганида устидан шикоят қилинаётган давлат бошқаруви органининг кўрсатмасини ижро этиш суднинг қарори қонуний кучга киргунига қадар тўхтатиб турилиши талаби киритилмоқда. Фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ бўлган кўрсатмалар бундан мустасно.

Қисқа қилиб айтганда, янги қоидаларнинг кучга кириши натижасида ҳар иккала қонуннинг юқорида қайд этилган моддалари «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддаси билан мувофиқлаштирилади.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қўшимча бюджет маблағлари ажратилиши ҳамда меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини талаб этмайди.

Кейинги муҳокамалар «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси атрофида кечди.

— Тиббиёт нуқтаи назаридан қараганда, қон бу органларга озуқа ва кислород етказиб берувчи нодир суюқлик саналади. Унинг таркиби шундай мураккаб тузилганки, қоннинг ўрнини босадиган модда ҳали яратилмаган. Бу борада ягона манба донордир. Шу маънода мазкур қонун лойиҳаси донорларнинг бир марта олинадиган донорлик қони ҳажми меъёрини ва қон топшириш даврийлигини тартибга солиш, шунингдек, текинга қон топшираётган шахсларни қўшимча моддий рағбатлантириш йўли билан мамлакатда донорликни янада ривожлантиришга қаратилган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Тўлқин Каримов. — Зеро, партиямиз ўз Дастури орқали мамлакатимизда малакали тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш орқали инсон саломатлигини сақлаш, умр узоқлигини таъминлаш ғояларини илгари суради.

Қонун лойиҳасида «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасига ўзгартишлар киритиш назарда тутилиб, унга мувофиқ, қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш, шунингдек, қонни лаборатория текширувлари учун топшириш тартиби, даврийлиги ва ҳажмини белгилаш Соғлиқни сақлаш вазирлиги ваколатига ўтказилмоқда. Умуман олганда, фракция йиғилишида қонун лойиҳасига киритилаётган қатор янгиликлар бирма-бир санаб ўтилди ва қонунни иккинчи ўқишга қадар янада маромига етказишга келишиб олинди.

Йиғилишда, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасига ҳам тўхталиб ўтилди. Якунда депутатлар кун тартибига киритилган қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқуллаб, улар юзасидан O`zLiDeP фракциясининг тегишли қарорини қабул қилдилар.

## «Неки азиз бўлса, шартдир ҳимоя»



**Тўлқин КАРИМОВ,**
Олий Мажлис Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси

Дарҳақиқат, шу сатрни битган шоирнинг фикрига қўшилмасдан бошқа илож йўқ. Зотан она-Ватандан азизроқ неъмат борми ўзи? Лекин турли қарама-қаршиликлар кучайган, чегара билмас иллатлар авж олган ҳозирги глобаллашув даврида сарҳадлар дахлсизлигини сақлаб туриш осон иш эмас. Бу борада оқиллик ва мардлик, фаоллик ва фидойилик талаб этилади. Зеро, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимизнинг айни масалага алоҳида эътибор қаратиб, узоқни кўзлаб олиб борган оқилона сиёсати, хусусан, Ватанимизни ишончли ҳимоя қилиш мақсадида профессионал миллий армияни ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари туфайли бугун барчамиз тинчлик деган бебаҳо неъматдан баҳра олаяпмиз.

Юртимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, аҳоли хотиржамлиги Қуролли Кучларимиз томонидан муносиб муҳофаза қилинаётган экан, ушбу шарафли касбни сидқидилдан адо этаётган мард ва жасур фарзандларимиз ҳам ҳар қанча эъзоз, эътиборга лойиқдир. Ана шундай фидойи ўғлонлар сабаб эртанги кунга ишончимиз юксалиб бораверади.

Ҳеч кимга сир эмаски, Қуролли Кучлар тизимини ислоҳ қилиш масалалари унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, қисқа давр мобайнида, энг аввало, ҳарбий соҳанинг ҳуқуқий пойдевори яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Бош қомусимизнинг 52-моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи» эканлиги белгилаб қўйилди. Шундай экан, киндик қони тўкилган она-Ватанимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини унутмасдан, дунёнинг айрим нуқталарида салбий иллатлар шиддат билан қулоч ёяётган бир пайтда ҳар биримиз сергак ва ҳушёр бўлмоғимиз лозим.

## Хусусий ветеринарлар фаолияти янада осонлашди

### Яқинда «Ветеринария тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилиниб, матбуотда чоп этилди

**Рустам ҚОБИЛОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун 22 йил аввал кучга кирган эди. Ортда қолган вақт мобайнида унинг айрим жиҳатлари замон талабига жавоб бермай қолди. Парламент қуйи палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан мазкур қонун нормалари инвентаризация қилинганда бу жиҳат яққол кўзга ташланди. Хусусан, унда ветеринария хизматининг бошқа вазирлик ва идоралар билан самарали ҳамкорлик қилиш тартиби мавжуд эмаслиги, давлат ветеринария хизматини бошқариш тизимининг такомиллашмаганлиги, соҳада қўлланиладиган дори воситаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни тартибга солувчи меъёрларнинг йўқлиги, шунингдек, ушбу соҳада назорат тизимининг ҳуқуқий асослари белгиланмаганлиги ва нобуд бўлган ҳайвонларни утилизация қилиш қоидаларининг акс этмаганлиги аён бўлди.

Ҳар томонлама ўрганилгандан сўнг юқоридаги камчиликлар тўла бартараф этилди ва қонун ветеринария барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган ўндан ортиқ янги модда билан бойитилди.

Қонуннинг пишиқ ва пухта тайёрланишида Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси қошида ташкил қилинган Ишчи гуруҳи томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона, Жиззах вилоятлари ва пойтахтимизда «Ўзбекистонда ветеринария соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари» мавзусида ўтказилган давра суҳбатлари муҳим роль ўйнади, десак муболаға бўлмайди. Боиси айни тадбирлар давомида мутахассислар, олим ва амалиётчилар томонидан 300 га яқин таклиф билдирилди. Улар таҳлилий нуқтаи назардан ўрганилиб, қонунга сингдирилди.

Қолаверса, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш тўғрисида»ги фармонидан келиб чиқиб, идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг, шунингдек, алоҳида шахсларнинг фаолияти устидан ветеринария-санитария назоратини амалга ошириш каби нормаларга тузатишлар киритилди.

Кези келганда, қонуннинг O`zLiDeP электорати манфаатларини кўзловчи жиҳатларига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Яъни, янги таҳрирдаги қонунда шу соҳада ўз бизнесини бошламоқчи бўлган тадбиркорлар учун қатор енгилликлар яратилди. Жумладан, хусусий ветеринария фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар штатида ветеринар врач, фельдшер ва техник бўлиши шарт, деган норма олиб ташланди. Ушбу моддада келтирилган мажбуриятлар ҳам чиқарилди. Қолаверса, «Ветеринария тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририда ҳайвон эгаларининг мажбуриятлари ҳамда эпизоотик тадбирларни амалга оширишда давлат, идоравий ва хусусий ветеринария хизматларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш масалалари акс эттирилиб, ишлаб чиқаришдаги ветеринария хизмати ва хусусий ветеринария фаолиятида ҳайвонларга хизмат кўрсатишни амалга ошириш меъёрлари белгиланди.

Ҳайвонот оламига мансуб озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашдаги давлат ветеринария назоратининг ўрни, уни амалга ошириш тамойиллари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича белгиланган қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик масаласи аниқлаштирилди. Чорва молларини юқумли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида ҳайвон ва келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулотларнинг республикамиз ҳудудига кириб келишига нисбатан ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари жорий этилди.

Янги таҳрирдаги «Ветеринария тўғрисида»ги қонун соҳадаги муносабатларни тизимли равишда мувофиқлаштириш чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш баробарида халқимизни сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

# ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

## Қонуний манфаатлар ҳимояланган

**O`zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар самараси 2014 йилда давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловлар сарҳисобида яққол кўзга ташланди. Айни пайтда ҳудудда кўплаб янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, улар фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилаётгани ҳам эътиборга лойиқдир. Мазкур кенгаш раисининг биринчи ўринбосари Илҳом БОТИРОВ билан шулар хусусида суҳбатлашдик.**



**— Самарқандда партиямизга ишонч йилдан-йилга ошаётгани ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида O`zLiDeP депутатлари кўпчиликни ташкил этаётгани ҳам қувонарли. Шундай эмасми?**

— Тадбиркор ва фермерларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни устувор вазифа сифатида белгилаб, мамлакатимиз сиёсий саҳнасига чиққан O`zLiDeP ташкил топганига 12 йил бўлди. Ўтган давр мобайнида партиямиз сўзи билан иши бирлигини исботлай олди. Ўз мақсад ва ғоялари тарғиботи борасида сезиларли ютуқларга эришди. Ўтган йиллар мобайнида партиямиз интилишлари иқтисодиётимиз юксалишига ҳисса қўшаётган юртдошларимизнинг фуқаролик позицияси ва орзу-ниятлари билан якдил экани яққол намоён бўлди. Шу боис ғояларимизни қўллаб-қувватловчилар сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда вилоятда O`zLiDeP бошланғич ташкилотлари сони 1000 тадан ошгани ва улар 27 мингга яқин фаол, ташаббускор маслакдошларимизни бирлаштиргани ҳам бежиз эмас.

Халқ депутатлари вилоят кенгашида 25, туман ва шаҳар кенгашларида 169 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, партия ташкилоти ва депутатларимиз зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида демократик қадриятларни қарор топтириш, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш сиёсий партиялар ҳамда ваколатли вакил — депутатлар фаоллиги билан боғлиқдир.

Депутатлик гуруҳларимиз томонидан 2015 йил давомида тегишли ташкилот ва мутасадди раҳбарларга 503 та депутатлик сўрови юборилиб, улар асосида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, партиямиз вакиллари ташаббуси билан 117 та мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилиб, 48 та назорат-таҳлил фаолияти ўтказилди. Шу билан бирга маҳаллий кенгаш сессияларига 14 та масала киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунинг баробарида ҳудудларда депутатларнинг сайловчилар билан мулоқотлари ўтказилмоқда. Депутатлик гуруҳлари фаолиятида жойлардаги ҳар бир масалани чуқур ўрганиш, аниқ таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Кези келганда айтишим керакки, маҳаллий кенгашларда депутатлик фаолиятини бошлаган сафдошларимиз билим ва кўникмаларини мукаммаллаштириш, уларни зарур меъёрий-ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Шу йўналишда вилоят, барча туман ва шаҳарлардаги партия ташкилотлари томонидан услубий ўқув-семинарлари ташкил этилди. Мазкур тадбирларга амалий ва назарий билим, тажрибага эга бўлган депутатлар, партия фаоллари, соҳа мутахассислари жалб этилганлиги иштирокчилар учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтади, дейиш мумкин.

2015 йил аввалида бошланган, депутатлар ишини режали асосда ташкил этишга йўналтирилган тадбирлар самараси мониторинг қилиниб, ҳар бир депутат ва гуруҳлар фаолияти таҳлилий-танқидий баҳоланиб борилаётгани ҳам эътиборга молик.

**— Маълумки, сиёсий куч дастурий ғояларини изчил тарғиб этишда партиянинг ҳеч бир бўғини бошланғич ташкилотлардек катта имкониятларга эга эмас. Шундай экан, ўтган даврда қуйи бўғинлар салоҳияти қай даражада оширилди?**

— Ҳудудий ташкилотнинг бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш гуруҳи томонидан таянч тузилмалар фаолиятини янада кучайтириш, ҳар бир аъзо ва етакчининг масъулиятини ошириш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Таҳлилларга кўра, 2014 йилда БПТлар сони 970 тани, аъзолар 23 минг 443 нафарни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 30 дан ортиқ янги таянч бўғин фаолияти йўлга қўйилиб, 3 мингдан ортиқ юртдошимиз партия сафига кирди.

Алоҳида қайд этмоқчиманки, гарчи партия ташкилотимизнинг куч ва салоҳияти етарли бўлса-да, дастурий мақсадларимизни рўёбга чиқариш жараёнларига электорат вакиллари, мулкдорлар қатламининг катта қисмини чинакамига жалб қила олмасак, юксак марраларга эриша олмаймиз.

**— Йил якунлангач, ортга назар солиш, бажарилган ишларни сарҳисоб қилиш ўзига хос анъана тусини олган...**

— Ўтган йил ташкилотимиз учун ҳар томонлама самарали бўлди. Сўзни қиёсдан бошламоқчиман. 2014 йили маданий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий мавзуларда 845 та тадбир ўтказилиб, уларда 50 минг нафар юртдошимиз иштирок этган бўлса, 2015 йилда ўтказилган 1300 дан ортиқ тадбирда 60 мингга яқин фуқаро қатнашди. Бундай тадбирларни чекка қишлоқ ва маҳаллаларда ўтказиш орқали барча юртдошларимизнинг ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш, фуқаролик масъулиятини шакллантириш галдаги муҳим вазифаларимиздан биридир.

Хотин-қизлар ва ёшлар йўналиши бўйича қилинган ишларга ҳам тўхталиш мақсадга мувофиқ. 2015 йилда бу борада 10 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ташаббуси билан маҳаллаларда 250 дан ортиқ ўқув-семинар, учрашув ва давра суҳбатлари ҳамда оммавий хайрия тадбирлари ташкил этилиб, уларда 17 мингга яқин аёл қатнашди. Шунингдек, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага», «Соғлом оила — мустаҳкам оила» ҳамда «Фермер аёллар» каби лойиҳалар асосида туркум давра суҳбатлари, ўқув-семинар ва амалий мулоқотлар уюштирилди. Биргина «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирлар давомида 224 нафар опа-синглимиз 13 хилдаги тиббий кўрикдан ўтказилди. 80 нафарига бепул дори-дармон воситалари тарқатилиб, тиббий маслаҳатлар берилди.

Жамиятимизнинг илғор қатлами саналган фермер хотин-қизларнинг фаолияти ва тажрибасини оммалаштириш, улар фаолиятида учраётган долзарб масалаларни халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари орқали ҳал этиш чораларини кўриш мақсадида «Фермер аёллар» лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Мазкур лойиҳа доирасида 37 та давра суҳбати ҳамда семинар-ўқувлар ўтказилиб, уларда 1141 нафар хотин-қиз иштирок этди. Лойиҳа доирасида вилоятдаги 420 нафар фермер аёл рўйхати шакллантирилиб, уларни партия сафига жалб қилиш, амалий ва назарий жиҳатдан ёрдам бериш чоралари кўрилди.

**— Сайловларда берилган ваъдалар билан амалий ишларни айрича тасаввур этиб бўлмайди. Айтинг-чи, тадбиркорлар кўпроқ қайси масалаларда кенгашга мурожаат қилишмоқда? Уларнинг талаб-истаклари амалга ошаяптими?**

— Аввало шуни таъкидлашни истардимки, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим қадам бўлди. Фармон тадбиркорликка эркинлик беришнинг ҳуқуқий кафолатларини тақдим этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, хусусий мулк ҳуқуқи ва дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаётир.

Ўтган йилда вилоят кенгашига фуқаролар, партия электорати вакилларидан кўплаб мурожаатлар тушган. Туман ва шаҳар кенгашлари кесимида эса уларнинг сони 1400 га яқинлашди. Мурожаатларда баъзи қонун ва қонуности ҳужжатлари бўйича тушунтиришлар берилиши, электр таъминотидаги узилишлар, ичимлик сув, шунингдек, тижорат банкларидан кредит олиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилиши сўралаяпти. Чунончи, Пастдарғом туманидаги «Беш бола» фермер хўжалиги раиси Вафоқул Каримов фермер хўжалиги фаолиятини кенгайтириш мақсадида ТИФ «Миллий банк» бўлимидан 800 миллион сўм миқдорида кредит олишда ёрдам сўраган эди. Депутатлик гуруҳи ва партия фаолларининг саъй-ҳаракатлари натижасида бу масала ижобий ҳал этилди. Ургут туманидаги «Маҳзунабону» фермер хўжалиги раиси Мажид Ғаниев мурожаати ҳам эътиборсиз қолдирилмади. Қишлоқ мулкдори АТ «Савдогарбанк» филиалидан балиқчиликни ривожлантириш учун 23 миллион сўм миқдорида кредит олишга муваффақ бўлди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Эътиборлиси, партияга мурожаат этган ҳар бир электорат вакилига мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулкдорларнинг қонуний манфаатларини муҳофазалашга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилганлиги, хусусий мулк кафолати ва тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари бўйича тушунчалар бериб борилмоқда.

**— Ёшларга ўз бизнесини бошлашида йўл-йўриқ кўрсатиш, амалий ёрдам бериш билан боғлиқ қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?**

— Самарқанд республикамизнинг аҳолиси кўп вилоятларидан бири. Ҳудудда яшаётганларнинг 60 фоизидан ортиғини ёшлар ташкил этади. Ҳар йили ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини 60 мингга яқин йигит-қиз тамомламоқда. Уларни иш билан таъминлаш эса долзарб масала. Бу жараёнда яратиб берилган имкониятлардан фойдаланиш, ўз бизнесини йўлга қўйишга интилаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш асосий вазифаларимиздан бири. Зеро, ёшларга эътибор — келажакка эътибор, демакдир.

Бинобарин, навқирон авлодни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида жорий қилинган «Ишбилармон талаба», «Диплом билан — бизнесга» лойиҳалари, «Ёш фермер» кўрик-танлови вилоят ёшлари орасида оммалашиб бормоқда. Мазкур тадбирларда тўрт минг нафардан ортиқ ёш иштирок этиб, сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий-иқтисодий билимлари доирасини кенгайтирди.

Мисол учун, «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида ёшларга тижорат банклари томонидан 2010-2014 йилларда қарийб 1 млрд. 200 млн. сўм кредит ажратилиб, 400 дан ортиқ янги иш ўрни яратилган бўлса, 2015 йилнинг ўзида юздан ортиқ йигит-қиз жами 867 млн. сўм имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи имтиёзга эга бўлди. Мазкур лойиҳа йигит-қизларда ўзларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш баробарида яна 100 га яқин янги иш ўрни яратилишига замин ҳозирлади.

«Ишбилармон талаба» кўрик-танловида эса 2010-2015 йилларда 5 мингдан ортиқ йигит-қиз иштирок этди. Уларнинг 2 мингдан ортиғи айни вақтда тадбиркорлик, фермерлик ва касаначилик фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Кўрик-танлов натижаси бўйича беш йил давомида вилоятда 15 нафар ўқувчи «Ишбилармон талаба» стипендиясини қўлга киритди.

Партия вилоят кенгаши янги йилда ҳам фаолият қамровини янада кенгайтириш, O`zLiDeP дастурида белгиланган ғояларни самарали амалга ошириш, аниқ мақсадларга йўналтирилган янги-янги ташаббус ва лойиҳаларни ҳаётга жорий этишда жонбозлик кўрсатаверади.

**Муҳаббат РАВШАНОВА суҳбатлашди.**

## Партиявий лойиҳалар

### юзлаб аёлларни тадбиркорлик сари етакламоқда

**Дилноза НОМОЗОВА, «XXI asr»**

**O`zLiDeP АЪЗОСИ БЎЛГАН ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕР АЁЛЛАР ТОМОНИДАН 2015 ЙИЛДА МИНГДАН ЗИЁД ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ.**

Бугун юртдошларимизнинг ҳар иккисидан бири ишбилармон. Зеро, астойдил ишлайман, турмушимни фаровон қиламан, деганлар давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланяпти. Бундай имконият серғайрат аёлларимизни ҳам яратувчиликка чорламоқда. Оила бекасилигини адо этишдан ташқари, тадбиркорликни ҳам эплаётган опа-сингилларимиз сафи кундан-кунга кенгайиб бораётир.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, шунингдек, партия ҳудудий ташкилотларидаги Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлимлари томонидан ўтган йили ўтказилган 4000 га яқин тарғибот-ташвиқот тадбирлари натижасида минглаб хотин-қизлар ўз бизнесини йўлга қўйди.

Эртанги кунидан, болалари келажагидан хотиржам опа-сингилларимизнинг шижоати, изланувчанлигини кўриб тўлқинланиб кетасан. Масалан, биргина партиявий лойиҳалар доирасидаги тадбирларда янгидан-янги қобилият эгалари аниқланганини олиб кўрайлик. «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси доирасида 500 га яқин тадбир ташкил этилиб, уларда 17 минг нафардан зиёд хотин-қиз қатнашди. Бизнес-режалари юқори баҳоланган 476 нафар хотин-қизга тижорат банклари томонидан 9 млрд. 569 млн. 453 минг сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

— «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳасида ғолиб чиқиб, «Микрокредитбанк»нинг Фарғона филиалидан 200 млн. сўм имтиёзли кредит олдим, — дейди Марғилондаги «Орзу» ишлаб чиқариш тижорат фирмаси раҳбари Шоҳида Нуриддинова. — Ушбу маблағ эвазига замонавий тикув дастгоҳлари ўрнатдим. Иш фаолиятимни 6 нафар ходим билан бошлаган эдим. Айни пайтда корхонамизда 45 киши ишлаяпти. Жорий йилда экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш ва яна 20 та янги иш ўрни яратиш ниятидаман.

Андижонлик тадбиркор қиз, коллеж битирувчиси Рўзихон Хўжамбердиева эса «Халқ банки»дан олган 17 млн. сўмлик кредит ҳисобидан ширинликлар тайёрлашни йўлга қўйди. Айни пайтда 4 та янги иш ўрни яратиб, қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқараётир.

Маълумки, деҳқон бой бўлса, фермер хўжалиги ривожланса, юртимиз янада обод, турмушимиз янада фаровон бўлади. Шу боис мамлакатимизда қишлоқ мулкдорлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир. Дастурхонларимизга файз-барака киритиш учун тинмай изланаётган, она замин билан тиллашиб, улкан хирмон яратаётганлар сафида аёллар ҳам кўпчиликни ташкил этаётгани эса ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.

Якунланган йилда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг «Фермер аёллар» лойиҳаси доирасида 300 га яқин тадбир ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мазмун-моҳиятини жамиятнинг илғор қатлами ҳисобланмиш фермер хотин-қизларга етказиш, уларнинг тажрибаларини оммалаштириш, кўп тармоқли хўжаликларни кўпайтириш, қишлоқ мулкдорлари фаолиятида учраётган долзарб масалаларни халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари иштирокида ҳал этиш чораларини кўришдан иборатдир.

— Кейинги йилларда аграр соҳани ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда, — дейди Иштихон туманидаги «Омонбой Фармонов» фермер хўжалиги раҳбари Мастура Ўроқова. — Бозорларимиздан йилнинг исталган фаслида сархил мева-чева, полиз маҳсулотларини харид қилиш мумкин. Бу — кенг тармоқли хўжаликлар ташкил этилгани, ҳар қарич ердан самарали фойдаланаётгани шарофатидандир. 125 гектар ерда асосан пахта ва ғалла етиштирамиз. Полиз, сабзавот маҳсулотларимиз ҳам харидоргир. Ўтган йилни 35 млн. сўм соф фойда билан якунладик. 28 нафар доимий ишчимиз бор.

Мухтасар айтганда, тадбиркорлик фаолиятига қўл уриб, катта ютуқларга эришаётган аёлларимиз нафақат хонадон бекаси, балки жамиятимизнинг фаол аъзоси сифатида ҳам юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Аёллари бахтиёр юртнинг эса эртаси порлоқдир.



**Иқболхон АХРАНОВА,**
Мирзачўл туманидаги «Иқболхон-Маржона» хусусий корхонаси раҳбари, «Шуҳрат» медали соҳибаси:

— Тинч-фаровон ҳаёт мамлакатни тараққий эттиришнинг энг муҳим омилларидан биридир. Жорий йилнинг Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилиниши эса бизга жуда катта масъулият юклайди.

Мактабда ўқиган кезларимдаёқ чеварликка, дизайнерликка иштиёқим баланд эди. 2005 йилда орзуим ушалди. Яратилган қулай имкониятлар туфайли тикувчилик цехи очдим. Айни пайтда корхонамизда 12 нафар хотин-қиз ишлаяпти. Ўтган йили «Миллий банк» туман филиалидан 150 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, иш фаолиятимизни кенгайтирдик. Соф даромадимиз 30 млн. сўмни ташкил этди.

Янги йилни янги орзулар билан кутиб олдик. Камтарона меҳнатларим муносиб баҳоланиб, «Шуҳрат» медали билан тақдирландим. Менга шундай улуғ бахтни ҳадя этган мамлакатимизга ҳеч қачон кўз тегмасин!



**Садбархон ЙЎЛДОШЕВА,**
Улуғнор туманидаги «Машҳур» фермер хўжалиги раҳбари:

— Фермер — шунчаки деҳқон, дегани эмас. Ўзига яраша сир-синоати, мураккабликлари бор. Йиллар давомида шу соҳада суягим қотгани боис қийин шароитда ҳам мўл ҳосил етиштиришга эришиб келяпман. Дастлаб 3 гектар ерда иш бошлагандим. Кунни тунга улаб меҳнат қилганларим сира ёддан чиқмайди. Катта бир хўжалик бошқа, шахсий масъулият бутунлай бошқача эканини ўшанда англаб етганман. Айни пайтда 57 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштираяпмиз. Ўтган йили ғалладан 28, пахтадан 96 млн. сўм даромад олдик.

Фермерлик ҳаракати қишлоқ мулкдорларининг ғайратига ғайрат қўшиб, она-еримизга меҳру саховатини ошираяпти. Замин қатидан хазина топиб, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшаётган юзлаб хотин-қиз фермерлар сафида эканимдан фахрланаман. Келгусида янги тармоқларни ишга тушириш, аҳолига хизмат кўрсатишни кенгайтириш ниятида янги-янги режалар тузаяпман.

Ҳар тонг қадрдон даламга йўл олар эканман, фарзандларимизнинг шодон кулгулари тинмасин, топганимиз тўй-ю томошаларга буюрсин, дея Яратганга илтижолар қиламан. Осойишталигимиз йўлида хизмат қилаётган фидойи инсонларнинг бошлари омон бўлсин, дейман.

## Тадбирлар расмиятчилик учун эмас

### аксинча, тарғиботнинг таъсирчанлигини таъминлаш учун ташкил этиляпти

**Эльмира РАҲМОНОВА, «XXI asr»**

O`zLiDeP Андижон вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими Сиёсий таълим маркази билан ҳамкорликда Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасининг мазмун-моҳиятини хотин-қизлар орасида кенг тарғиб қилишга бағишланган давра суҳбати ўтказди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими масъул ходимлари, ҳамкор ташкилотлар, тадбиркор ва фермерлар иштирок этган тадбирда Асосий қонунимиз қоидаларига тўла мос келадиган, дунё ҳамжамиятида «ўзбек модели» деб ном қозонган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўғри эканлиги, Конституциямизнинг беқиёс аҳамиятига оид фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, истиқлол шарофати билан қонуний асосда юзага келган ва айни пайтда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган O`zLiDePнинг аҳоли кенг қатламлари ўртасида либерал ғояларни тарғиб этиш орқали мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва тафаккурга эга, мамлакат келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир янги авлодни тарбиялашга янада кўпроқ ҳисса қўшиши лозимлигига эътибор қаратилди.

— Аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом фарзанд дунёга келишини таъминлашга алоҳида аҳамият берилаётгани бежиз эмас, — деди O`zLiDeP Андижон вилоят кенгаши масъул ходими Умидахон Исаева. — Истиқлол йилларида аёлларнинг ўртача умри 75 ёшгача узайгани, оналар ва болалар ўлимининг кескин камайгани жуда катта натижадир. Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Ана шу ютуқларни янада мустаҳкамлаш барчамизнинг олдимизда турган вазифадир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2016 йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб номлангани ушбу йўналишдаги фаолиятимизни янги босқичга кўтариши шубҳасиз. O`zLiDeP эса «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасидаги кенг қамровли ишларни янада самарали давом эттиришга барча имкониятларини сафарбар қилади.

Тадбирда сўз олганлар Президентимиз маърузасида белгиланган вазифаларни тўла рўёбга чиқариш, хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олишини таъминлаш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратдилар.

Тадбирда билдирилган фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, партиявий ишларни бугунги кун талаби даражасида янада такомиллаштириш, шу жумладан, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф қилиш, фермерлик ҳаракати манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, электорат билан ишлаш самарадорлигини ошириш юзасидан истиқболли режалар тузиш, O`zLiDeP дастурий мақсадларидан келиб чиқилиб, аёллар ва ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, иш билан таъминлаш, ҳуқуқий-сиёсий билимларини ошириш ҳамда интеллектуал салоҳиятни юксалтиришга оид лойиҳалар кўламини янада кенгайтириш юзасидан вазифалар белгиланди. Энг муҳими, бу тадбирларни расмиятчилик ёки тарғибот учун эмас, балки таъсирчан тарзда ташкил қилишга келишиб олинди.

# ТАФСИЛОТ ВА ТАЛҚИН

# УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИДА ЯШАЯПМИЗ

## дейишмоқда жонли мулоқот иштирокчилари

**Жиззах вилоятида O`zLiDePнинг 13000га яқин аъзоси бўлса, шунинг қарийб 3 мингга яқинини хотин-қизлар, 7 минг 500 нафарини ёшлар ташкил этади. Уларнинг 1773 нафари ёш тадбиркор, 1450 нафари ёш фермерлардир. 510 та бошланғич ташкилотнинг 293 тасига 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар етакчилик қилишаяпти.**

**Бугунги суҳбатдошларимиз — O`zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Шоира ҲАСАНОВА ҳамда Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Олим НОРЖИГИТОВ.**



**— Шоирахон, бўлим мудири бўлганингиздан кейин иш жараёнига кўникиб кетишингиз қийин кечмадими?**

— Сира қийналмадим, десам ёлғон гапирган бўламан. Лекин аввал O`zLiDeP фаоли сифатида партия Дастури ва Сайловолди платформасини билан яқиндан танишлигим, қолаверса нафақат тадбиркор хотин-қизлар, балки депутат ва фермер аёлларимиз билан доимий мулоқотда бўлганим анча қўл келди...

**— Бундан чиқди, партиянинг ҳар бир фаоли O`zLiDeP вилоят кенгаши бўлим мудири вазифасини бемалол бажариши мумкин экан-да?**

— Бундай фикрдан йироқман. Менимча, юклатилган вазифанинг ўзига хос кўникма, тажриба талаб қилинадиган жиҳатлари бор. Кимки ўз вазифасига сидқидилдан ёндашса, ўқиш-ўрганишдан чарчамаса, албатта, олдига қўйган мақсадига эришади. Устозлар ўгити, ҳамкасблар кўмаги, маслаҳатлар маслаҳати билан ишлашга ҳаракат қилган киши мақсадга тезроқ эришади.

Мана, сиз ҳам мухбир сифатида аёллар кечаётган бунёдкорлик ишлари билан танишсиз. Ҳамюртларимизнинг кайфиятидан хабардорсиз. Астойдил ишлайман, деганлар учун юртимизда барча шароитлар яратилганини яхши биласиз, шундай эмасми?

**— Фикрингизга қўшилмай иложим йўқ. Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати!**

— Худди шундай. Буни бевосита вилоятимизда истиқомат қилаётган тадбиркор ва ишбилармон йигит-қизлар, партиямиз сафига кириб келаётган опа-сингиллар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбек аёли азалдан одоби, ибоси, удабуронлиги, чеварлиги, қолаверса, гапга чечанлиги билан ҳам ажралиб туради. Айни пайтда Жиззах вилояти аҳолиси 1 млн. 244 минг нафардан зиёд. Шундан 532 минг 290 нафарини 14-30 ёшгача бўлганлар, 627 минг 146 нафарини эса аёллар ташкил этади. Бугун аёллар нафақат меҳрибон она, севимли ёр, балки ижтимоий-сиёсий фаоллиги билан жамиятда ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга бўлаётир. Хизмат юзасидан туманларда бўлишимизга тўғри келади. Ана шундай кезларда корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликларини бошқараётган аёлларимизни кўриб, хурсанд бўламан.

Мисоллар дейсизми? Марҳамат: Арнасой туманидаги «Сангзор» фермер хўжалиги раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Рашида Ёдгорова, Дўстлик туманидаги «Дўстлик босмахонаси» МЧЖ раҳбари Камила Ҳусанова, Зафаробод туманидаги «Боғ боши» фермер хўжалиги раҳбари Саодат Ҳалимова, Зомин маиший хизмат ва транспорт касб-ҳунар коллежи директори, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Дилрабо Эргашева, Жиззах вилояти кўп тармоқли болалар шифохонаси бош шифокори, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Холида Алимова... Санайверсам, улар кўпчилик-да.

**— Сафимизга энди қўшилаётган тадбиркор аёллар ҳақида ҳам шундай ғурур билан гапира оласизми? Демоқчиманки, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида бўлимингиз томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Биргина мисол: маҳаллий ҳокимликлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилган «Хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик асосларига ўргатиш», «Эҳтиёжманд оилалар қизларини касб-ҳунарга ўргатиш ва иш ўринларини яратиш» каби лойиҳалар доирасида вилоятнинг энг чекка ҳудудларида ҳам бўлдик. Айниқса, коллежларни битираётган қизлар, уйда ўтирган аёлларга тикувчилик, пазандачилик, сартарошлик сирларини ўргатиш, бепул ўқув курсларини ташкил қилиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, миллий ҳунармандчилик анъаналаридан яхши хабардор кекса авлод вакилларини бу ишга кенг жалб қилиш, жойларда каштачилик, гиламдўзлик ва қуроқчилик, тўқувчилик ҳунарлари бўйича ёш уй бекаларига кўникмалар берилди. Ушбу лойиҳалар доирасидаги тадбирларга 1000 дан зиёд хотин-қиз жалб қилинди. Масалан, форишлик Тамара Ғозиева қандолатчилик, нон ва нон маҳсулотлари цехини ишга тушириб, ҳамқишлоқлари учун янги иш ўринлари яратди. Фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида ушбу касб сирларини ёшларга ўргатиб, шогирдлар тайёрлаяпти...

**— Хўш, Олимжон бу фикрларга қандай муносабат билдирар экан?**

— Баҳром ака, рақамларга кўп мурожаат қилмасам-да, ҳаётий мисол келтирсам. Ҳозиргина хонамизга келган ёшларни ўзингиз кўрдингиз. Улар касб-ҳунар коллежи битирувчилари. Партиямизнинг истиқболли лойиҳаларида мунтазам қатнашиб келадиган йигит-қизлар. Президентимиз айтганларидек, қадамидан ўт чақнаб, кўзларидан нур ёғилиб турибди. Тайёр бизнес-режалари бор. Фикрлари тиниқ, мақсадлари аниқ. Бундай ёшларнинг кўпайиб бораётгани кишини қувонтиради.

Масалан, Маликахон Сайфуллаева Жиззах тиббиёт коллежи талабаси. Ўзбек жанг санъати бўйича мамлакат чемпиони. Адабиётга қизиқади. Шеърлари матбуотда эълон қилиб борилади. Ёки арнасойлик Ойсанам Рустамовани олайлик. Уч тилда бемалол мулоқот қила олади. Ҳа, айтгандек, яқинда пойтахтдан яна бир хушхабар келди. Партия «Ёшлар қаноти» фаоли Чаросхон Ёқубова «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган «Эҳтиром, Эъзоз, Эътироф» республика танловида «Энг яхши мақола» номинацияси бўйича совриндор бўлибди. Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Дадажон Нарзиқулов эса ўзининг «Бинолар, уйлар, турли иншоотларнинг ташқи ва ички фасад қисмларини безаш учун декоратив безакли ишланмалар» лойиҳаси устида иш олиб бормоқда.

Айтмоқчиманки, шуларнинг ҳаммаси партиямиз аъзолари. Уларнинг сафи кундан-кунга ўсиб бораётгани O`zLiDeP Сайловолди платформасида илгари сурилган мақсад ва вазифалар ёшларимиз қалбидан кенг ўрин олаётганидан далолат!

**— Яхши, бу каби ёшларни кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишбилармон ва ташаббускор йигит-қизларни партия сафига жалб этиш бўйича Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан амалга оширилган тадбирларнинг кўлами ҳақида нималар дея оласиз?**

— Барибир рақамларни тилга олиш жоиз. Бугун мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғи 30 гача бўлган ёшлардан иборат. Мазкур қатлам орасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларни бизнеснинг турли йўналишларига жалб этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Энг муҳими, айни шу йўналиш O`zLiDePнинг дастурий мақсадларида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, бизнинг бўлим ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини кучайтириш, ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий-ҳуқуқий шароит яратиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга бағишлаб 2015 йилнинг ўзида 320 та давра суҳбати, амалий ва очиқ мулоқотлар, форум, кўрик-танлов, ўқув-семинарлари ташкил қилди. Бу тадбирларга 62 минг 477 нафар йигит-қиз жалб этилди.

**— Келтирилган рақамлар фақат ҳисобот учун эмасми?**

— Мен ундай демаган бўлардим. Чунки O`zLiDePнинг биргина «Хавфсиз интернет» лойиҳаси доирасида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда вилоятдаги 2 та олий таълим муассасаси, 4 та академик лицей ва 75 та касб-ҳунар коллежида талаба-ёшлар билан «Ватан тақдирига дахлдорлик – олий мақсадимиз», «Ёшларнинг ахборот хуружига қарши иммунитетини шакллантиришнинг муҳим омиллари», «Ватанни ҳимоя қилиш ва кўз қорачиғидек асраш – муқаддас ва олижаноб вазифа», «Ёшлар мустақиллик ҳимоячиси» каби мавзуларда 81 та тадбир ўтказилди. Нафақат вилоят партия кенгаши ходимлари, балки депутатларимиз, фаол тадбиркорларимиз, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ходимлари қатнашган мулоқотларда 35 минг 200 нафарга яқин навқирон авлод вакили бевосита иштирок этди. Вилоятимиздаги мавжуд 540 дан ортиқ умумтаълим мактаби, 4 та академик лицей ва 75 та касб-ҳунар коллежи, 2 та олий таълим муассасаси, маҳаллалар қамраб олинди. Муҳими, ушбу тадбирлар ҳисобот учунгина ўтказилмади. Видеолавҳалар, слайдлардан кенг фойдаланилди. Ҳаётий тажрибага эга инсонлар, таниқли ижодкорлар таклиф этилди, десам мақтанишга йўйманг. Улар бугун кўплаб давлатларда юз бераётган нотинчликлар, хунрезликлар моҳиятини ёшларга тушунтириб берар эканлар, огоҳликка даъват этиб, дориламон кунлар қадрига етиш, яратилган шароитлардан унумли фойдаланиш нақадар зарурлигини мисоллар асосида тушунтирдилар.

Бу фикрни ёшларга оид бошқа истиқболли лойиҳалар ҳақида ҳам айтишим мумкин. Шу даврга қадар «Ишбилармон талаба», «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаларида 3000 дан зиёд ёш иштирок этди. Ҳозирги кунда уларнинг 500 га яқини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Партиямиз кўмаги билан уларга вилоятдаги тижорат банклари томонидан 1 млрд. 347 млн. 185 минг сўмлик кредит маблағлари ажратилди. 24 нафари партиянинг махсус стипендияси совриндори бўлди.

**— Шоирахон, ҳамкасбингиз Олимжон партиявий лойиҳалар ҳақида сўз очди. Хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлашга ҳисса қўшиш мақсадида O`zLiDePнинг бир қатор лойиҳалари амалга ошириб келинаяпти. Айтинг-чи, уларнинг натижалари қай даражада кўзга ташланмоқда?**

— Йил сарҳисобига кўра, «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасидаги тадбирларга 2 минг нафардан зиёд хотин-қиз жалб қилиниб, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ҳамда Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида ташкил қилинган тиббий кўчма бригадалар орқали чекка қишлоқ жойларидаги барча аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди. Кекса аёлларимизга «Қариялар сиҳатгоҳи»га йўлланмалар берилди. «Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага» лойиҳаси доирасидаги тадбирларда 450 нафар хотин-қиз қатнашди. Уларнинг 15 нафарига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи банк сертификатлари топширилган бўлса, 14 нафар аёл умумий қиймати 288 млн. сўм бўлган банк кредитини олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. «Фермер аёллар» лойиҳаси доирасидаги кўплаб давра суҳбатларига жами 400 дан ортиқ хотин-қиз қамраб олинди.

— Узр, шу ўринда суҳбатларингизга аралашсам...

**— Марҳамат, Олимжон.**

— Жиззах шаҳридаги «Ёшлар қаноти» фаолларидан бири Севара Очилова 2012 йилда O`zLiDePнинг «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида ўз бизнес режаси билан қатнашиб, банкдан 9 млн. сўм имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлган ва «Севара-Нур» тикув цехига асос солганди. Натижада 5 та янги иш ўрни яратган эди. Тиниб-тинчимас қиз ўз бизнесини янада кенгайтириш мақсадида тикув цехи қошида устоз-шогирд тикувчилик мактабини ҳам очди ва 50 нафардан ортиқ дугонасига тикувчилик касбини ўргатди. Жиззах туманидаги Дилфуза Туропова кулолчилик, ғаллаороллик Шоҳиста Абдуғаниева ва Шаҳло Санақулова тикувчилик, Жиззах шаҳридан Маҳлиё Нормуродова миллий қўғирчоқ ясаш цехларини ишга туширишган бўлса, яна бир ёш тадбиркор йигит Илҳом Тошбеков «WHITE DRAGON» хусусий корхонасида лак бўёқларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада кўплаб ёшларимиз доимий иш ўринларига эга бўлишди...

— Шу ерда мен ҳам суҳбатга қўшилсам, — дейди гурунгимизга қулоқ солиб ўтирган партия вилоят кенгаши Ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Шерзод Маматқулов. — 2015 йилда ташкил этилган «Ёш партия етакчилари — келажак кадрлари» лойиҳаси жуда аҳамиятли бўлди. Уни ўтказишдан мақсад партиянинг кадрлар захирасига ҳар томонлама етук ва салоҳиятли ёшларни танлаб олишдан иборат эди. Жиззах давлат педагогика институтида ўтказилган мазкур лойиҳа доирасидаги очиқ мулоқотда вилоятимиздаги иккита олий таълим даргоҳининг 100 нафардан зиёд битирувчиси иштирок этиб, 30 нафари партиянинг кадрлар захирасига олинди.

— Мулоқотимиз уч мудир, бир мухбир суҳбатига айланиб кетди чоғи... Дарҳақиқат, фикрларингизда жон бор. Умумий маслак ва мақсадимиз бир. Ҳар бир депутат, ҳар бир бўлим, ҳар бир фаол умумий иш учун бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилса, албатта, партия дастури ва Сайловолди платформасида илгари сурилган устувор мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда янада самарали натижаларга эришаверамиз.

**Суҳбатдош:**
**Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ.**

# Жонкуяр депутатнинг қатъияти

## ташаббускор ва ташкилотчи

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

***Муборак шаҳрида болалар истироҳат боғи йўқлиги маҳаллий кенгашга партиямиздан сайланган депутат Панжи Жалиловни ташвишга солиб келарди. Шундай катта корхоналар жойлашган ҳудудда бирорта ҳам дам олиш гўшаси фаолият кўрсатмаётганлиги ҳақиқатан ажабланарли. У баъзи йиғилишларда бир неча бор бу ҳақда айтса-да, ҳеч қандай натижага эриша олмади. Шундан сўнг масалани халқ депутатлари туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи муҳокамасига олиб чиқди. Партия вакиллари томонидан мазкур мавзу чуқур ўрганилиб, муҳокама этилди ва депутатнинг қатъий саъй-ҳаракатлари билан сессияга киритилди. Сессия қарори билан эски***



***сайилгоҳ капитал реконструкция қилиниб, жиҳозланди ва болалар ихтиёрига топширилди...***

Муборак газни қайта ишлаш заводи режа ва иқтисод бўлими мудири, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Панжи Жалилов бу каби ўнлаб эзгу ишларнинг ташаббускори сифатида элнинг олқишини олиб келаётган сафдошларимиздан. У салкам йигирма йилдан буён мазкур корхонада самарали меҳнат қилиб келаётир. Ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш, ходимларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида ғоявий-сиёсий ишларни янада жонлантириш борасидаги тадбирларга бош-қош. Унинг раҳбарлигида БПТ йиғилишлари мунтазам равишда ўтказилиб, партия фаолиятини янада жонлантириш, ғоявий-сиёсий ишларни кучайтириш борасида таклифлар билдирилмоқда.

Панжи Жалилов аҳоли ўртасида партиямизнинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилмоқда. O`zLiDeP вилоят кенгаши ва туман кенгашлари томонидан ташкил этилган, хусусан, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш ва мазмун-моҳиятини электоратга етказишга бағишланган давра суҳбатларида сўзга чиқиб, унда билдирилган фикрлар, илгари сурилган ғоялардан келиб чиқадиган долзарб вазифалар ҳақида куюнчаклик билан сўз юритади.

— Давлатимиз раҳбари Соғлом она ва бола йилида баркамол авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, янги спорт объектлари қуриш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида алоҳида тўхталдилар, — дейди Панжи Жалилов. — Айни йўналишлар партиямизнинг дастурий мақсадларига ҳамоҳанг. Бу борада туманимизда ҳам қатор ишлар амалга оширилаяпти. Масалан, яқинда Қарлиқ қишлоғида болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилади. Депутатлик гуруҳимиз томонидан якунланган йилда ёшларнинг соғлом вояга етишига кўмаклашиш мақсадида улар ўртасида спорт мусобақалари ташкил этдик. Янги йилда бу ишларни янада кенг миқёсда давом эттириш учун янги режалар тузаяпмиз. Қиз болаларни спорт тўгаракларига жалб этиш мақсадида кўплаб хотин-қиз мураббийлар тайёрлаш, спорт коллежларини битирган қизларни мактабларга мураббийликка жалб этиш бўйича таклифлар билан чиққанмиз.

Мураббий аёл бўлса, қизлар унинг машғулотларида жон-жон деб қатнашишади. Муборак чемпионлар юрти, «Машъал» футбол клуби мамлакатимизга ўнлаб номдор футболчиларни тайёрлаб берган. Мақсадимиз келгусида қиз болалар ўртасида ҳам спортни кенг оммалаштириш, қизлар футбол мактабларини ташкил этишдир. Ахир, фақат соғлом онадангина соғлом бола дунёга келиши барчамизга кундек аён. Бахтли келажак ва хотиржам кексаликни орзулаган инсон аввало фарзанд тарбияси ва саломатлиги ҳақида қайғуриши лозим.

Депутат шахсий манфаатларини партия ишидан устун қўймаслиги, сайловчилар ишончини оқлаши керак. Шунинг учун ҳам партиямиз томонидан ташкил этилаётган барча тадбирларда қатнашяпман. Якунланган йилда туман кенгаши томонидан элликка яқин тадбир ташкил этилди. Партия аъзолари сони 100 нафарга, қуйи бўғинлар 5 тага кўпайди.

Дарҳақиқат, депутат туманда ташкилий-партиявий, ғоявий-сиёсий ишларнинг ташаббускори ва ташкилотчиси сифатида барчага намуна бўлиб келаяпти. Бугунги кунда Муборак туманида 1330 нафар партия аъзоси бор, 53 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Туман кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи 9 кишидан иборат. Гуруҳ фаолиятини талаб даражасида ташкил қилиш ҳам П. Жалилов зиммасида. Унинг ташаббуси билан депутатлик гуруҳи томонидан туман кенгаши сессиясига 3 та масала киритилиб, тўртта эшитув ташкил этилди.

Шу ўринда туман кенгашидаги Панжи Жалилов раислик қилаётган қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссия томонидан амалга оширилаётган ишлар эътиборга лойиқ эканлигини ҳам таъкидлаш лозим. Ўтган бир йил мобайнида мазкур комиссия томонидан ўндан ортиқ долзарб масала ўрганилиб, ижобий натижаларга эришилганлиги депутатимизнинг изланувчан, билимдон, сиёсий етук инсон эканлигини кўрсатиб турибди. У тиним билмайди. Қачон қараманг, қайсидир муаммони бартараф этиш учун елиб-югуради. Вилоят ҳокимлиги Маънавият тарғибот маркази, туман ҳокимлиги, O`zLiDeP вилоят ва туман кенгашлари ҳамкорлигида ёшларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, қонунларни пухта ўрганишга хизмат қиладиган кўрик-танловларни ташкил этишда унинг хизматлари катта. Тумандаги касб-ҳунар коллежларида ташкил этилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари ҳам унинг иштирокисиз ўтмайди.

26-Чоретим сайлов округидан халқ депутатлари Муборак туман кенгашига сайланган депутат мунтазам равишда сайловчилар билан учрашиб, уларни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан қатор ишларни амалга ошириб келаяпти. Аҳоли манфаатларини кўзлаб, мутасадди идораларга ўттизга яқин сўровнома киритди. Ҳудуддаги қишлоқлар аҳолисини электр билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида туман ва вилоят электр тармоқлари идораларига сўровномалар билан чиққанидан сўнг, трансформатор қайта таъмирланиб, таъминот яхшиланди. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш мақсадида сув қувурлари алмаштирилаяпти. Хитой қишлоғида яшовчи касб-ҳунар коллежи битирувчиларига тадбиркорликни йўлга қўйишлари учун банклардан молиявий кўмак олишда амалий ёрдам берилди.

Зеро, зиммасидаги масъулиятни англайдиган депутатнинг сайловчига ҳам, жамиятга ҳам ҳар доим нафи тегаверади.

# Оила бекалари — корхона эгалари

**Юртимизда тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратилаётгани туфайли кечаги оила бекалари бугун корхона эгаларига айланишаяпти. Икки нафар фарзанднинг меҳрибон онаси Шаҳзода Ҳамидова ҳам Жомбой транспорт коллежида география фанидан дарс бериш, тикувчилик йўналишида ҳунар ўргатиш билан бирга «Ҳамидова Шаҳзода» хусусий корхонасини ташкил этди.**

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI asr»

— Фаолиятимизни болалар учун кийим-кечаклар тикишдан бошлаган эдик, — дейди у биз билан суҳбатда. — Маҳсулотларимиз қисқа вақтда ўз харидорини топди. Шунинг баробарида бозор талабини чуқурроқ ўрганиб, опа-сингилларимиз учун турли либослар, қизалоқларга атласу адрас матолардан тантаналарда кийиладиган куйлакчалар тикиб, фаолиятимизни кенгайтира бошладик. Тўй ва байрамларга бой юртимизда меҳнатимиз дастлабки йилиёқ самарали бўлди. Қулай шароит ғайрат улашган бўлса, рағбат янги режалар тузиш истагини уйғотди.

Шаҳзода ўтган йили «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» танловининг республика босқичида болалар кийимларини ишлаб чиқариш йўналиши бўйича муваффақиятли қатнашиб, ғолибликни қўлга киритгач, 20 миллион сўм кредит маблағини фоизсиз тартибда олишга эришди.

— Ҳалол меҳнатимиз ўз натижасини берди. Даромадимиз ҳам шунга яраша бўлаяпти, — дейди тадбиркор. — Дастлаб 3 нафар ишчи билан фаолият юритган бўлсак, кредит ҳисобидан тикув машиналарини келтириб ўрнатгач, яна саккизта иш ўрни ташкил этдик. Маҳсулотларимизни дўконларга шартнома асосида етказиб бераяпмиз. Кейинги режаларимиз чойшаблар ва спорт кийимлари тикиб чиқаришдир. Қолаверса, корхонларга буюртмалар асосида махсус иш кийимлари тайёрлаб беришни мўлжаллаяпмиз.

## Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё!

**АНУШЕРВОНИ ОДИЛ БУЗУРГМЕҲРДАН:**
**— ЭНГ ЯХШИ ЯШАШ ҚАНДАЙ ЯШАШ? — ДЕБ СЎРАДИ.**
**— САЛОМАТ БЎЛИШ ВА ХОТИРЖАМ ЯШАШ — ЭНГ ЯХШИ ЯШАШ, — ДЕБ ЖАВОБ БЕРДИ У ВА ДАВОМ ЭТДИ: — ЛЕКИН ЯХШИ НОМ ҚОЛДИРИШ АБАДИЙ ЯШАШДИР.**

* * *

**БИР КУНИ ХАЛИФА МАЪМУН ОДОБ БИЛАН СЎЗЛАЁТГАН БИР БОЛАДАН:**
**— КИМНИНГ ЎҒЛИСАН? — ДЕБ СЎРАДИ.**
**БОЛА:**
**— ОДОБНИНГ ЎҒЛИМАН, — ДЕБ ЖАВОБ БЕРДИ.**
**БУ ЖАВОБНИ ЭШИТГАН МАЪМУН:**
**— ҚАНДАЙ ЧИРОЙЛИ ОТАНГ БОР ЭКАН-А, — ДЕБ УНГА ТАҲСИН ЎҚИДИ.**

www.21asr.uz

2016-YIL 14-YANVAR, PAYSHANBA

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

«XXI ASR» 02 (634)-son, e-mail: xxi_asr@umail.uz

«СИЁСИЙ КУЧ СИФАТИДА БИРЛАШГАН ҲОЛДА ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ ЯНАДА КЕНГРОҚ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШЛАРИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ОЧИШ, УЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛИНИ ҲАМ НАЗАРИЙ, ҲАМ АМАЛИЙ ЖИҲАТДАН АСОСЛАБ БЕРИШ, ЖАМИЯТНИНГ УШБУ ИЖТИМОИЙ ҚАТЛАМИ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ БАРОБАРИДА УНИНГ ЭРТАНГИ КУНИНИ ТАЪМИНЛАШ, ШУНИНГДЕК, ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ҒОЯ ВА МАҚСАДЛАРНИ ЎЗ ФАОЛИЯТИ ОРҚАЛИ КЕНГ ОММА ОНГИГА СИНГДИРИШ, БУ БОРАДА ҲАР ТОМОНЛАМА ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН ПАРТИЯ СИЁСАТИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ O`zLiDePНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДЛАРИ СИРАСИГА КИРАДИ».

O`zLiDeP Дастуридан.

## Аниқ саволга аниқ жавоб

**— Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари қандай ҳуқуқларга эга?**

— Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни 14[1]-моддасига биноан партия гуруҳлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибини тузишда иштирок этиш;

давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар юзасидан таклифлар киритиш;

давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда партия гуруҳи вакилига сўз берилишини кафолатлаш;

тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раисига ва Вазирлар Кенгашига, вазирларига ҳамда бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек, тегишли халқ депутатлари кенгаши ҳудудида жойлашган корхоналар, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш;

тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти юзасидан ҳисоботини ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий кенгаши сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритиш. Бунда қарор депутатларнинг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаган тақдирда қабул қилинади;

тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки халқ депутатлари маҳаллий кенгаши сессиясида муҳокама қилинаётган масала бўйича партия гуруҳининг фикрини депутатлар орасида тарқатиш. Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларидаги партия гуруҳлари вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқига эга. Партия гуруҳларининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ва халқ депутатлари Кенгашига киритиладиган масалалар бўйича таклифи албатта кўриб чиқилади.

**Диққат:** янги БПТ!

# Мақсадларимиз муштарак

## ёхуд партиявий шиорнинг амалдаги ифодаси

Беҳзод ИСРОИЛОВ,
«XXI asr»



Яқинда яна бир БПТ O`zLiDeP Чилонзор туман кенгашида рўйхатдан ўтказилди. Албатта, янги қуйи тузилмага асос солиниши, сафимизга қўшимча кучлар қўшилиши ижобий ҳодиса. Шу билан бирга партиямиз ҳаётида узлуксиз давом этаётган мазкур жараён маълум маънода одатий ҳолга айлангани ҳам сир эмас.

Икки ой муқаддам пойтахтимиздаги 3 нафар тадбиркор — Максим Романов, Вероника Камишанская ва Олег Кузнецов биргаликда «Business hub» лойиҳасини амалга оширишди. Шуни айтиш керакки, лойиҳа ташкилотчилари бугунги кунда долзарб бўлиб турган масалалар — хусусий сектор вакилларининг бизнес юритиш билан боғлиқ билим, савия ва кўникмаларини бепул оширишни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйишган. Юриспруденция, бухгалтерия ва аудит, хусусий бизнеснинг ички жараёнлари — ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва бошқариш, бизнеснинг ички ҳаракати, умумий маркетинг ва савдо-сотиқ, шунингдек, амалдаги ҳужжатларни такомиллаштиришга оид таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш билан боғлиқ ўнлаб йўналишлар бўйича ишбилармонларга сабоқ бериш шулар жумласидан. «Business hub» ушбу жараёнга таниқли тадбиркорлар ҳамда давлат идоралари, банк-молия муассасалари, мулкдорлар қатлами билан иш олиб борувчи тузилмалар вакилларини экспертлар сифатида жалб этаяпти. Эркин, жонли ва самимий мулоқот тарзида ўтувчи тадбирларда мутахассислар кун тартибидаги мавзу бўйича бошловчи ва ўз ишини йўлга қўйган ишбилармонлар билан билимлари, тажрибаларини ўртоқлашяптилар, уларнинг саволларига батафсил жавоб қайтаряптилар.

Лойиҳанинг ошкоралик ва оммавийликка асослангани ҳам эътиборга молик. Чунончи, барча хоҳловчилар нафақат тадбирларда ҳеч бир монеликсиз, бевосита қатнашиш, балки лойиҳа интернет-сайти ва ҳозир ғоят урф бўлган ижтимоий тармоқлар орқали ўзларини қизиқтирган ҳамма ахборотни олишлари мумкин.

— Мазкур лойиҳанинг афзалликлари тўғрисида гап кетганда бир неча жиҳатга эътибор қаратиш керак, — дейди лойиҳа директори М.Романов. — Хусусан, асосий тадбирлар фақат шанба ва якшанба кунлари ўтказилаётгани боис бандлиги туфайли бошқа шу сингари ўқувлар, йиғилишларга бора олмайдиган тадбиркорликка иштиёқи баланд ёшлар, ишбилармонлар машғулотларимизда бемалол иштирок этаяптилар. Қатнашишнинг ихтиёрийлиги эса бундай ишлардан бирор моддий манфаатни кўзламайдиган фидойи, масъулиятли ва жонкуяр мутахассисларни бирлаштириш имкониятини бераяпти. Учрашувларнинг расмиятчиликдан буткул холи экани сабабли ҳар бир иштирокчи фикрларини эркин, тортинмасдан баён эта олади. Яна бир диққатга лойиқ жиҳат — тадбирларда энг замонавий, интерфаол усуллардан кенг фойдаланилаяпти.

Қайд этиш керакки, шу кунгача лойиҳа томонидан иккита асосий тадбир ва лойиҳа қошида ташкил қилинган махсус майдонча тақдимоти бўлиб ўтди. «Бизнесга кириш» деб номланган илк тадбирда қатнашган ишбилармонликка ҳавасманд ёшлар ички ва ташқи бозорларда иш юритаётган тадбиркорлардан муваффақиятга эришиш сир-асрорларини ўргандилар, фаолиятнинг дастлабки пайтларида аксарият тадбиркорлар йўл қўядиган хато-камчиликлардан огоҳ бўлдилар. Мулоқотда бренд, брендинг ва уларнинг аҳамияти, маҳсулот харидоргирлигини таъминлаш, компания сайти қандай бўлиши лозимлиги, шунингдек, ҳуқуқий ва бухгалтерияга оид бир неча муҳим масала муҳокама этилди, уларнинг мазмун-моҳияти батафсил очиб берилди. Тадбиркорликнинг руҳий-психологик томонлари чуқур таҳлил-тадқиқ этилган махсус дастурлар ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир натижаларининг сарҳисоби ва яхши маънодаги шов-шувлар лойиҳанинг келажаги порлоқ эканини кўрсатади. Шу боис, ташкилотчиларнинг айтишича, тадбиркорликка қўл урмоқчи бўлган яна кўплаб ёшларга маслаҳатлар бериш, уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Бизнесга кириш» даврий тарзда уюштирилиб борилади.

«Овқатланиш шохобчалари ва ресторан бизнеси» мавзуидаги иккинчи тадбир бўйича ҳам кўплаб ижобий фикрлар, мулоҳазалар билдирилди.

Юқорида баён қилинганлардан аён бўлаяптики, лойиҳа фаолияти партиямиз саъй-ҳаракатлари, хусусан, сиёсий кучнинг ҳудудий ташкилотлари ва қуйи бўғинлари томонидан олиб борилаётган ишларга ғоят ҳамоҳанг. Мисол учун, Чилонзор туманидаги бир неча БПТ ташаббуси билан «Бошловчи тадбиркорлар учун муваффақиятли старт», «Ҳақ-ҳуқуқингни бил, тадбиркор», «Аёлларни тадбиркорликка жалб этиш ва уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш» каби мавзулар бўйича туркум тадбирлар ўтказилаяпти. Бинобарин, бир қанча масалалар теран таҳлил қилинган «Стартаплар ва инвесторлар» майдончасининг очилишида O`zLiDeP туман кенгаши ходимлари, таянч бўғинлар раислари, шунингдек, Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари иштирок этгани табиий ҳол. Улар «Business hub» фаолиятига юқори баҳо беришди. Айрим илғор услубларни партиявий тадбирларга жорий қилиш мумкинлигини, умуман, тажриба алмашинуви мақсадга мувофиқлигини айтишди. Ўз навбатида, лойиҳа ташкилотчилари партиямиз ғояларини тўла қўллаб-қувватлашлари, O`zLiDeP билан изчил, самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятида эканликларини маълум қилишди. Шу тариқа куч ва имкониятларни бирлаштириш йўлида илк қадам ташланди — «Business hub»да O`zLiDeP бошланғич ташкилоти тузилди.

— Янги БПТ орқали кўплаб ёшлар, тадбиркорларнинг партия дастурий мақсадлари, сиёсий куч томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги тасаввури бойиб, мукаммаллашиб бориши аниқ, — дейди тадбир иштирокчиларидан бири, партия Чилонзор туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдунаби Мухримов. — Бунинг натижасида партиямиз сафига янгиликка интилувчан, серғайрат, ташаббускор ёшлар кириб келишига ишончим комил. «Business hub»нинг кейинги тадбирларига партиямиздан сайланган депутатлар, ҳудудий ташкилотлар ходимлари, намунали бошланғич ташкилотлар етакчиларини таклиф этишни режалаштираяпмиз. Айтиш мумкинки, партиямизнинг «Биргаликда биз кучмиз!» шиори шу тариқа амалда ўз ифодасини топмоқда.

# Етарлими ёки кам?

**Бугунги кунда Когон шаҳрида O`zLiDePнинг 24 та бошланғич ташкилоти иш юритмоқда. Хусусан, «Миллий банк»нинг шаҳар бўлими, «Абдулла Қодирий», «Арабхона» ва «Зиёкор» МФЙлар ҳудудида тузилган қуйи бўғинларнинг фаоллиги, электорат ишончини тўла оқлаётганлиги диққатга сазовор.**

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI asr»

Улардан бири — «Абдулла Қодирий» маҳалла фуқаролар йиғинидаги таянч тузилма 2004 йилда ташкил этилган. Моҳигул Жўраева етакчилигидаги мазкур БПТ аъзолари партия шаҳар ташкилоти ходимлари билан биргаликда нафақат ўз маҳаллалари, балки «Беруний», «Бухорои Шариф» ва «Маҳтумқули» МФЙлар ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли, шунингдек, қатор корхона ва муассасалар ишчи-хизматчилари билан тез-тез учрашиб, ғоявий-сиёсий мавзуларда тадбирлар ўтказмоқдалар. Президентимизнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» номли китоби мутолаасига бағишланган мулоқотлар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилган давра суҳбатлари шулар жумласидандир.

Мулкдорлар синфи вакиллари, хусусан, бошловчи тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун тегишли шарт-шароитларни яратиб беришга кўмаклашиш ҳам қуйи тузилма фаолларининг асосий мақсадига айланган. Қайд этиш жоизки, ҳозир Когон шаҳрида 400 нафарга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти иш юритаяпти.

— O`zLiDeP мулкдорлар қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш учун сиёсий майдонда қизғин фаолият юритаётгани хусусида ташвиқот тадбирларини ўтказишга ҳозирлик кўраяпмиз, — дейди БПТ раиси. — Айни вақтда тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар йўлида тўсиқ бўлаётган айрим нуқсон-камчиликларни ошкора муҳокама қилиш ҳамда уларни бартараф этишга кўмаклашиш борасида депутатлар билан изчил ҳамкорлик қилишни асосий вазифа сифатида белгилаб олдик.

Партия шаҳар кенгаши масъуллари эса қуйи ташкилотларга зарур ёрдам ва маслаҳатлар берилаётгани, жумладан, БПТ хоналари тегишли қўлланма, адабиёт ва жиҳозлар билан таъминланаётганини маълум қилдилар.

Биз юқорида Когонда 24 та БПТ бор, дедик. Лекин бир савол очиқ қоляпти: бу етарлими ёки кам?

**Маълумки, янги йилнинг дастлабки кунларида барча ташкилотлар келгусида бажариладиган зарур ишларни режалаштиради. O`zLiDePнинг қуйи тузилмалари ҳам бундан мустасно эмас. Масалан, «Кафолат» суғурта компанияси АЖ Самарқанд вилоят филиалидаги БПТ партия юқори органлари йўриқномалари асосида 2016 йилга мўлжалланган тадбирлар режасини ишлаб чиқди.**

# Режали иш — ҳамиша беш

— Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ аъзоларимиз сони ошди, — дейди мазкур филиал директори, БПТ етакчиси Арслон Ҳайитов. — Аввал 10 нафар маслакдош билан фаолият юритаётгандик. Яқинда яна 7 ходим партияга аъзо бўлишни сўраб, ариза билан мурожаат қилди. Бу эса O`zLiDeP дастурий ғоялари ҳаётийлигидан дарак беради.

Тайёрлаётган иш режамизда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгиланган устувор йўналишларга бағишланган мулоқотлар, партиямизнинг асосий вазифалари ва уларни амалга оширишда БПТларнинг ролига оид давра суҳбатлари, партиямиз депутатлик гуруҳи аъзолари билан биргаликда ҳукумат томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар ҳамда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ва маҳаллий кенгаш қарорларини ўрганиш бўйича туркум йиғилишлар уюштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шунингдек, O`zLiDeP Самарқанд шаҳар ташкилоти билан ҳамкорликда суғурта амалиётига доир меъёрий ҳужжатлар ва янги қабул қилинаётган қонунлар ҳақида ишбилармонлар ўртасида туркум тадбирлар ташкил этишни мўлжаллаяпмиз. Йил давомида вилоятдаги O`zLiDeP фаолларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталашни ҳам режамизга киритдик. Янги аъзоларимиздан Нафосат Тўйчиева, Бахтиёр Ҳайдаров, Ғолиб Саидов ва Шамсиддин Ўринов ушбу режа юзасидан асосли таклифларни ўртага ташладилар.

М.РАВШАНОВА.

# «Мехмаш»даги ташаббускорлар

**O`zLiDePнинг яқинда бўлиб ўтган «Энг намунали бошланғич партия ташкилоти» кўрик-танлови республика босқичида Наманган шаҳридаги «Мехмаш» МЧЖдаги БПТ ҳам фаол иштирок этди. Мазкур қуйи бўғин танловнинг «Тадбиркорлар ва мулкдорлар синфига беғараз ёрдам кўрсатаётган, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишда фаол иштирок этган бошланғич партия ташкилоти» номинацияси бўйича совриндор бўлди.**

Аҳроржон МУСУРМОНОВ,
«XXI asr»

Аҳолини халқ истеъмоли моллари билан таъминлашга ихтисослашган мазкур МЧЖда партия таянч тузилмаси 2004 йилда ташкил этилган. Дастлаб унга 12 нафар маслакдош бирлашганди. Бугунги кунда БПТга Фарҳоджон Жўраев етакчилик қилмоқда. У қуйи бўғин атрофига меҳнат жамоасидаги 75 ишчи-ходимдан 39 нафарини жипслаштира олди.

— 2014 йилда ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишимизда партиянинг ғояларини чуқур тушунадиган, изланувчан, ташаббускор, O`zLiDeP лойиҳаларининг афзалликларини кенг жамоатчиликка етказишга қодир, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик моҳиятини чуқур англайдиган инсонни етакчиликка сайлаганмиз, — дейди қуйи бўғин аъзоси Алишер Раҳимов.

— Маслакдошларимиз асосий ишларидан ташқари партиявий вазифаларга ҳам сидқидилдан ёндашиб келяптилар, — дейди БПТ раиси. — Корхонамиз яқинидаги «Мингчинор», «Гулистон», «Фурқат» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида истиқомат қилаётган аҳоли ўртасида тадбиркорлик соҳасида қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб, тадбиркорлик, касаначилик, оилавий корхоналарнинг афзалликларини кенг тарғиб қилмоқдалар. Бундай фаоллик эса одамларда ижтимоий-иқтисодий жараёнларга дахлдорлик ҳисси кучайишининг омилларидан бири бўлаяпти.

Дарҳақиқат, ўтган 2015 йил мобайнида аҳолидан БПТга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича 14 та мурожаат тушган. Улар тегишли тартибда ўрганиб чиқилди ва маҳаллий кенгаш депутатлари, партия шаҳар ташкилоти ҳамкорлигида деярли ҳаммаси ижобий ҳал этилди. Масалан, бошланғич ташкилотга мурожаат этган фуқаро Абдулаҳад Ҳожихўжаевга «Савдогарбанк» шаҳар бўлимидан 11 млн. 600 минг сўм, Муҳиддин Аметовга «Микрокредитбанк» филиалидан 10 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Улар ўз бизнесларини йўлга қўйишга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, мазкур қуйи бўғиннинг кўмаги билан шаҳардаги «Дўстлик» буюм бозори ва «Қурилиш маҳсулотлари» бозорида 50 нафардан ортиқ якка тартибдаги тадбиркор учун савдо майдончалари ташкил этилди.

«Дамбоғ пойафзали» хусусий корхонасида бошланғич партия ташкилоти тузилгани ҳам тарғибот ишлари самарасидир. Айни вақтда партиявий вазифаларни бажаришда мазкур қуйи бўғин ҳам алоҳида сиёсий фаолият кўрсатяпти.

БПТ ташаббуси билан маҳаллалардаги қариялар, муҳтож оилалар ва якка-ёлғиз фуқаролар учун хайрия тадбирлари ўтказилаётгани ҳам диққатга сазовор. Уларга турли совға-саломлар тортиқ этилаяпти. Яқинда шаҳардаги 23-сонли болалар меҳрибонлик уйига иссиқлик қувурлари алмаштирилишида ёрдам берилди.

Етакчи қайд этганидек, аҳоли бандлик даражасини оширишга сафдошларимиз бирламчи вазифа сифатида қарамоқдалар. Уларнинг ташаббуси асосида корхонада 2016-2017 йилларда иккита лойиҳа амалга оширилади. 1 млн. 200 минг АҚШ доллари қийматидаги инвестиция киритилиши мўлжалланаётган бу лойиҳалар вилоятнинг саноат салоҳиятини ошириш ҳудудий дастурига киритилганлиги эътиборга молик. Лойиҳа амалга ошгач, корхонада яна 65 та янги иш ўрни яратилади. Уларга касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини қабул қилиш белгиланган.



## «Ватан улуғ — бурчим муқаддас»

O`zLiDeP Нишон туман кенгаши ташаббуси билан «Байналмилал» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги бошланғич партия ташкилотида ушбу мавзуда давра суҳбати ташкил этилди. Унда депутатлар, захирадаги ҳарбий хизматчилар, маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этдилар.

— Ҳарбийлар халқимизнинг фахри ва ғуруридир, — дейди БПТ раиси Жалолиддин Мамаев. — Улар юксак ишончни шараф билан оқламоқдалар. Хусусан, осойишта ҳаётимиз, чегараларимиз дахлсизлиги, мустақил давлатимизнинг хавфсизлиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашдаги хизматлари беқиёс.

Мулоқот давомида халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Убайдулла Усмонов, O`zLiDeP туман кенгаши раиси Бекназар Сариев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, шартнома асосидаги хизматчилар ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларга яратиб берилаётган шароитлар юксак самаралар бераётганлиги, армиямизнинг жанговар салоҳияти йил сайин ошиб бораётганлигини таъкидлашди.

Сайфулла ИКРОМОВ.

# 2016 йил — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

## Аниқ ташхис — тезкор муолажа

**Соғлом она ва бола йилини Сурхондарё вилоятидаги «Термиз-механизация» МЧЖ тасарруфидаги «Машҳура» тиббий-диагностика маркази жамоаси катта ютуқлар билан кутиб олди.**

**Муҳриддин НУРМАНОВ,**
«XXI asr»



Даставвал шуни таъкидлаш жоизки, Кексаларни эъзозлаш йилида ўз фаолиятини бошлаган жамоа диагностика ва даволаш борасида дунё тиббиёти эришаётган ютуқларни соҳага кенг жорий этиб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширган ишлари учун янги йил арафасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Хусусий амалиёт врачлари ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилган «Йилнинг энг фаол нодавлат тиббиёт муассасаси» танловининг республика босқичида фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан 2016 йилнинг мамлакатимизда «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилингани 45 нафар олий ва ўрта тоифали тиббиёт ходими хизмат кўрсатаётган марказ жамоасига янги куч-ғайрат бағишлаб, эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлашга ундамоқда.

— Болажон халқмиз, шу боис фарзандларимизнинг тўрт мучаси соғ бўлишини истаймиз, — дейди «Машҳура» диагностика маркази бош шифокори Нодира Холбоева. — Бунинг учун эса аввало оналар соғлигини муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда эзгу орзу-умидларимизни амалга ошириш ва мамлакатимизда аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиши учун барча шароитлар яратиб берилаётганидан беҳад миннатдорлигимизни қайд этмоқчиман. Оналар ва болаларга сифатли хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтиришни режалаштириб олдик. Шунга мувофиқ марказда хорижнинг замонавий ускуналарини кўпайтириш, касб маҳоратимизни ошириш ни мўлжаллаяпмиз. Оналар ва болаларга хизмат кўрсатишда қатор имтиёзларни қўллаш ниятидамиз.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятни юксалтириш, ҳар тарафлама соғлом авлодни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай хайрли ишларда давлат муассасалари қаторида хусусий секторда фаолият юритаётган шифо масканлари ҳам фаол иштирок этаётир. Зеро, мазкур йўналишда иш юритаётган тадбиркор юртдошларимиз ҳар тарафлама қўллаб-қувватланиб, муносиб рағбатлантирилмоқда.

Яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаётган Сурхондарё вилояти ишбилармонлари ҳам нодавлат тиббиёт муассасаларини ташкил этиб, аҳолига тезкор, сифатли хизмат кўрсатишга интилмоқдалар. Айни пайтда воҳада 112 та хусусий тиббиёт муассасаси мавжуд. Уларнинг 21 тасида нафақат замонавий диагностика ускуналари ёрдамида касалликларга аниқ ташхис қўйилаётир, балки беморларни стационар даволаш ҳам жорий этилган.

«Машҳура»нинг бу борада давлат тиббиёт субъектлари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари эътиборга сазовор. Компьютер томографияси, рақамли рентген, УЗД, ЭФГДС қурилмалари билан жиҳозланган марказда гемотологик, биокимёвий, иммуноферментатив, микроскопик, лаборатор таҳлиллар ҳам амалга оширилмоқда. Шунингдек, кўз касалликларига аниқ ташхис қўйилиб, тезкор усулда даволанмоқда. Жумладан, чоксиз, оғриқсиз сунъий гавҳар ўрнатиляпти. Мижозлар малакали терапевт, уролог, невролог, гинеколог, кардиолог шифокорларнинг маслаҳатларидан баҳраманд бўлишмоқда. Улар Термиз шаҳри ва туманлардаги даволаш-профилактика муассасалари билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишгани ҳам эътиборга молик.

Рақамлар тили билан айтганда, фаолиятини бошлагандан буён ўтган бир йил мобайнида мазкур муассаса 7 минг 234 беморни лаборатория кўригидан ўтказди. 17 минг 870 мижозга ташхис қўйилди. 16 мингдан ортиқ мижоз марказнинг невролог, гинеколог, офтальмолог, уролог, кардиолог, терапевт шифокорлари ҳузурида бўлиб, зарур маслаҳатлар олди. Кўз касалликлари билан оғриган 200 га яқин кишига оғриқсиз, чоксиз усулда сунъий гавҳар ўрнатилди. Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан замонавий марказда Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийларидан 150 нафардан зиёди бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштирилди. Шунингдек, Мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрами арафасида икки мингга яқин беморнинг олти минг 202 турдаги лаборатория таҳлили 50 фоизли чегирма асосида амалга оширилди. Жумладан, бир минг уч юздан ортиқ мижоз УТТ текширувидан, юзга яқин ҳомиладор аёл ва болалар турли тиббий кўрикдан ўтказилди. Уч юздан ортиқ беморга 20 фоизли чегирма асосида компьютер томографияси асосида ташхис қўйилди.

Юқорида баён этилганлар «Машҳура» диагностика марказининг мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида нодавлат тиббиёт муассасаларини ривожлантириш ва улар фаолиятини кенгайтиришга қаратилаётган улкан имкониятлардан унумли фойдаланаётганига яққол мисолдир. Хусусий сектордаги тиббиёт муассасаларига кўрсатилаётган бундай эътибор уларни янада кўпроқ изланиб, жаҳон тиббиётининг илғор тажрибаларини кенг жорий этиш, мижозлар учун ҳар тарафлама қулай шароит яратиш, хизмат сифати ва самарадорлигини оширишга ундамоқда.

— Оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмонан соғлом, маънавий баркамол авлодни улғайтиришга муносиб ҳисса қўшиш учун энг чекка ҳудудлардаги давлат тиббиёт муассасаларида ҳам тез-тез бўлиб, мавжуд имкониятларимизни батафсил тушунтираяпмиз, — дейди бош шифокор. — Яқинда марказимизда ташкил этган «Аниқ ташхис — тезкор муолажа» тадбиримизда ҳам давлат ва нодавлат тиббиёт муассасалари шифокорлари, кенг жамоатчиликка бу ерда яратилган имкониятларни атрофлича тушунтириб, ҳар бир бўлим эришган ютуқларни мисоллар асосида тақдим этдик.

Соғлом она ва бола йилини «Соғлом халқдан — соғлом келажак сари!» шиори билан бошлаган нодавлат тиббиёт маскани шифокорларига бундай хайрли йўлда муваффақиятлар тилаймиз.

## Тинч ва фаровон яшаш бахти

**Гулистон шаҳрида Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат» номли маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишларнинг ижросини таъминлаш борасида O`zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши олдида турган долзарб вазифалар» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.**

**Дилора ЭСОНОВА,**
«XXI asr»

Партия вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Шоҳиста Бозорбоева бошқарган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, Гулистон давлат университети профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

— Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, инсон бахт учун дунёга келади. Ҳаётнинг маъноси ҳам аслида ана шундадир. Бугунги авлод билан саксонинчи йиллардаги одамлар ўртасида осмон билан ерча фарқ бор, — деди ўз сўзида Ш. Бозорбоева. — Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон ҳамжамиятида катта обрў-эътиборга эга бўлиб бораётган, тинчлик ва фаровонлик ҳукм сураётган мамлакатда яшаш қандай бахт.

— Аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган жамиятгина муваффақиятга эришади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Комилжон Эрназаров. — Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда асосий йўналишларни белгилаб берган Бош қомусимиз меъёрлари катта аҳамиятга эга бўлди. Бу одамларимизнинг сиёсий фаоллиги, онгу тафаккури ўзгариб, юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга бўлган ишончи юксалаётганида ҳам яққол кўзга ташланиб турибди.

— Президентимиз маърузасини ҳаяжон билан тингладим, — деди Сирдарё вилояти Перинатал маркази раҳбари, халқ депутатлари Гулистон шаҳар кенгаши депутати Ҳанифа Содиқова. — Хусусан, 2016 йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши биз — шифокорларга билдирилган катта ишонч, юксак масъулиятдир.

Вилоятимиз шифохоналарида қизларни никоҳдан олдинги профилактик кўрикдан ўтказиш, аниқланган касалликларни даволаш, ҳомиладор аёлларнинг туғруқ ва туғруқдан кейинги даврдаги назорати, чақалоқ парваришига алоҳида эътибор қаратилаётир. 2015 йилнинг 11 ойида 4809 нафар аёлнинг кўзи ёриди. Оналарнинг ҳам, болаларнинг ҳам соғ-саломат эканлиги қувончли натижадир.

O`zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши Сиёсий таълим маркази раҳбари Дилшод Тўрақулов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши «Ёш тадбиркор консультатив маркази» бизнес тренери Улуғбек Ғаниев ва бошқалар юртимизда кечаётган ислоҳотлар моҳияти ва аҳамиятини халқимизга етказиш, ватандошларимизда юрт тақдири, порлоқ келажаги учун дахлдорлик туйғусини янада кучайтириш, ёш авлодни буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб камолга етказиш, уларни турли мафкуравий таҳдидлардан ишончли ҳимоялаш билан боғлиқ долзарб вазифалар хусусида ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирдилар.

## «... Улар келгуси замон одамларидир»

**Отанинг фарзандга муҳаббати чексиз. Ўзи истаган фазлу камолни фарзандига бериш, уни ўзидан ҳам кўра мукаммал қилиб вояга етказишга ҳаракат қилади. Шу мақсад йўлида ҳар қандай машаққатга бардош беради. Лекин гўдак биринчи сўзни онадан эшитади. «Она тили» дейилишининг ҳикмати ҳам ана шунда.**

Болани тарбия қилиб, ҳар жиҳатдан соғлом ўстиришда отага қараганда она кўпроқ ҳисса қўшади. Шу боис улар отадан кўра онага кўпроқ майл этадилар. Она фарзанди учун ҳатто ўзини фидо қилишга тайёр. Халқимиз болажон бўлганидан фарзандларини меҳр билан тарбиялайди, барча соҳада уларга ўрнак бўлишга ҳаракат қилади. Дунё эса кенг. Урф-одатлар, анъаналар, қарашлар ранг-баранг. Фарзанд таълим-тарбиясига турли мамлакатларда турлича ёндашилади.

Масалан, Францияда болани имкон қадар эртароқ боғчага беришади. Она ўз касбий малакасини йўқотиб қўймаслиги учун шундай йўл тутилади. Француз болалари гўдаклик вақтидан ясли, кейин боғчага борадилар. Шунинг учун ҳам улар жуда кичкиналигидан мустақил фикрлашга одатланишади. Буви ва бувалар эса набираларини улар таътилга чиққандагина кўришлари мумкин.

Италиядаги миллий анъаналарга кўра болаларни буви ва боболар тарбиялайди. Бу юртда мактабгача таълим муассасасига ота-онасиз ёки буви, бобоси бўлмаган болакайлар бориши анъана тусини олган. Оилавий овқатланишга катта эътибор қаратилади.

Британияликлар фарзандларини нисбатан қаттиққўллик билан тарбиялайдилар. Кичиклигиданоқ ота-оналар болаларига аниқ талаблар қўйишади ва уларга ўз ҳис-туйғуларини назорат қилишни ўргатишади. Ота-оналар фарзандларига бўлган меҳрларини ошкор қилишавермайди, уларни эркалатиб ҳам юборишмайди. Бунинг ҳаммаси болада олижаноблик ва яхши хулқ-атворнинг шаклланишига сабаб бўлади, деб ҳисоблашади.

Германияда аксарият фуқаролар 30 ёш атрофида фарзанд кўришади. Чунки улар бўлажак зурриётлари учун ҳамма шароитни яратишга улгуришлари лозим. Бу ерда бўлажак она ҳомиладорлигидаёқ фарзандини 3 ёшга қадар улғайтиришга кўмаклашувчи энага қидира бошлайди. Бола 4 ёшга тўлгач эса дунёқарашни ўстирувчи ҳар хил ўйин гуруҳларига олиб боришади.

Америкаликлар оилада камида иккита фарзанд бўлиши кераклигини таъкидлайдилар. Чунки якка фарзанд келажакда ёлғизланиб қолиши мумкин. Бу мамлакат ота-оналари фарзандларини ҳамма ерга ўзлари билан олиб юришади. Бу кино, базм ёки сайр бўлиши мумкин. Шу сабабли АҚШнинг кўпгина масканларида болалар учун алоҳида хоналар, ўйингоҳлар мавжуд.

Япон халқи эса 5 ёшгача боласини эркалайди ва ўзбеклардек «Болалик — подшолик» деган нақлга амал қилади. Улар бу ёшда истаган нарсаларини қилишлари мумкин. Шу тарзда бола дунёни англай бошлайди. Мактаб давридан эса ота-оналар фарзандларини қаттиққўллик ва талабчанлик билан тарбиялашни бошлайдилар. Бу ерда ҳар бир бола хулқи ва қобилияти, ютуқларига қараб рағбатлантириб борилади.

Ўзбек халқи фарзанд тарбиясини ғоят муҳим жараён деб билади. Шунинг учун ҳам бир пайтнинг ўзида болага ҳам меҳр беради, ҳам жиддий тарбиялашга ҳаракат қилади. Халқимиз учун фарзандларининг келажакда яхши инсон бўлиб вояга етишлари жуда муҳим.

Алқисса, Афлотун айтганидек:

— Фарзандларингизнинг илм ва адабини ўзингизнинг илм ва адабингиз билан чекламанг, уларни келгуси замон учун тайёрланг. Чунки улар сизнинг замонангизга тегишли эмас, улар келгуси замон одамларидир.

## Ибн Сино нима деганини биласизми?

**Жорий йилнинг Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилиниши замирида келажак ҳақида юксак ғамхўрлик мужассамдир. Зеро соғлом бола фақат соғлом онадан туғилади. Уларни бир-биридан айри тасаввур этиш қийин. Сирасини айтганда, аёлини эъзозлаган юрт, унинг қувонч ва ташвишларини ўз елкасида мағрур кўтара оладиган жамиятгина юксак марраларга эриша олади. Бунинг амалий исботини кейинги йиллардаги ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз.**

**Мавлуда ҒАЙБУЛЛАЕВА,**
Тошкент тиббиёт академияси ўқитувчиси, шифокор-эндокринолог

Оила институтини мустаҳкамлашга давлат даражасида эътибор қаратилмоқда. Миллат генофондини яхшилаш учун, энг аввало, жойларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оналик ва болаликни ишончли ҳимоя қилиш, аҳолининг турмуш даражасини тубдан яхшилаш талаб қилинади. Ана шу эзгу мақсадлар йўлида биргина 2014 йилда белгиланган инвестиция дастури доирасида 495 млрд. сўм маблағ сарфланиб, 141 та тиббиёт муассасасида реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Уларни замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш учун хорижий молия институтларининг 25 млн. доллар ҳажмидаги маблағлари жалб этилгани ҳам халқимиз бахт-саодати йўлида ташланган дадил қадамлардан биридир.

Дарҳақиқат, она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади. Ушбу эзгу мақсадни рўёбга чиқариш саломатлик посбони бўлган шифокорлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди, албатта. Зеро она билан бола бамисоли гул билан лоладир. Ривоят қилишларича, қадимда бир хонадон соҳиблари буюк ҳаким Ибн Синога мурожаат қилиб: «Фарзандимизга қачондан бошлаб тарбия берганимиз маъқул?», деб сўрашибди. Ҳазрат «Фарзандингиз туғилганига қанча бўлди?», дебдилар. Эр-хотин «Олти ой бўлди» деб жавоб беришибди. Шунда Ибн Сино «Сизлар олти ой кечикибсизлар», деб жавоб қайтарган эканлар.

Юқоридаги мисолнинг ўзи маънан ва жисмонан баркамол авлод жамият тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этишидан далолат беради. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек: «Ҳақиқатан ҳам, болага эътибор бўлажак онага эътибор қаратишдан бошланиши керак. Чунки ҳомиладор аёлнинг руҳий-физиологик ҳолати, барча ҳис-туйғулари, кайфияти она вужуди орқали болага ўтади. Бундан хулоса шуки, болани эъзозлаш учун аввало онани эъзозлаш керак. Бу борада барчамиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз зарур».

Шак-шубҳасиз, мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли тиббий маданиятини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида бой тажриба тўпланди. Бунинг амалдаги тасдиғини хорижлик экспертлар томонидан ўтказилаётган ижтимоий сўров, тадқиқот натижалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Умуман, тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, жумладан, оналар ва болалар ўртасида ногиронлик даражасини камайтириш, уларга ўз вақтида малакали хизмат кўрсатиш, дори-дармон воситаларининг самарадорлигини ошириш, оналик ва болаликнинг давлат муҳофазасини тўла таъминлашга қаратилганлиги билан муҳим ва қимматлидир. Айни пайтда саломатлик дастури доирасида аниқ чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, улар аҳоли ўртасида учрайдиган турли касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Кези келганда, Жанубий Кореянинг беғараз ёрдами билан пойтахтимизда барпо этилаётган кўп тармоқли болалар шифохонасини алоҳида тилга олиб ўтишга тўғри келади. Лойиҳа қиймати 130 млн. 600 минг долларга тенг бўлган ушбу соғломлаштириш маскани ҳозирча МДҲ давлатлари орасида ягонадир.

Фикримизча, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид давлат сиёсатини амалга ошириш учун яна бир қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Биринчидан, оналар ва болалар соғлиғини сақлашга оид узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, ушбу соҳада банд бўлган тузилмаларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъулиятини ошириш ва кенгайтириш, ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни даволаш ва профилактика қилиш учун амалий тиббиёт марказларини ташкил этиш; иккинчидан, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш, фуқароларга бепул тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича самарали назоратни амалга ошириш, даволаш-профилактика муассасалари иш фаолиятига оид ягона баҳолаш мезонларини жорий этиш; учинчидан, чекка қишлоқлар, олис ҳудудларда тиббий профилактика ишлари ва бирламчи тиббий-санитар ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш, соҳага илғор тажрибаларни кенг жорий этиш; тўртинчидан, юқори технологияли, ихтисослаштирилган тез тиббий ёрдам, тиббий эвакуация ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, даволаш-профилактика, диагностика жараёнида янги инновацион методлардан кенг фойдаланиш, персоналлаштирилган тиббиёт асосларини яратиш.

Шу билан бир қаторда оналик ва болаликнинг кафолатли ҳимоясини таъминлаш мақсадида фундаментал ва илмий тадқиқотлар доирасини янада кенгайтириш, замонавий информацион ва коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш, аҳолининг репродуктив-тиббий маданиятини юксалтириш, жойларда фаолият кўрсатаётган перинатал марказларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳомиладор аёлларга ғамхўрликни кучайтириш, қолаверса, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини ошириш талаб этилади. Мақсад битта: у ҳам бўлса, оналик ва болаликни ишончли ҳимоя қилиш орқали соғлом келажак учун мустаҳкам ижтимоий замин яратишдан иборатдир.

## Изчиллик инъикоси

**Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда соғлом авлодни шакллантириш, келажагимиз ворисларини ҳар жиҳатдан етук инсонлар этиб тарбиялашга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2014-2015 йилларда аҳоли репродуктив саломатлигини, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги қарори фикримизни яна бир карра тасдиқлайди. Хусусан, ушбу қарор асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалалари тобора кенг кўлам касб этмоқда. Буни Марғилон шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шаҳардаги кўп тармоқли поликлиникада ўз касбига меҳр қўйган шифокорлар хизмат қилишади. Уларнинг саъй-ҳаракати билан ҳозирда 30969 нафар ўқувчи тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштириш чоралари кўрилмоқда. Поликлиника замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминланган.

Оналар саломатлиги ҳам доимий эътиборда. Жумладан, 48107 нафар аёл чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, улардан 14063 нафари тўла соғломлаштирилди.

— Бу профилактик тадбирлардан мақсад оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, хусусан, ўсиб келаётган авлоднинг жисмоний ва маънавий камолоти учун пухта замин яратишдан иборатдир, — дейди кўп тармоқли марказий поликлиника мудири, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати, олий тоифали шифокор Иброҳимжон Носиров.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

# ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

**Йўл қоидаси** — умр фойдаси

## Янгиликлардан хабарингиз борми?

**2016 йил 1 мартдан мамлакатимизда янги таҳрирдаги «Йўл ҳаракати қоидалари» кучга киради**





Яқинда, аниқроғи, 2015 йилнинг 24 декабрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан мамлакатимизда 2016 йилнинг 1 мартидан бошлаб янги таҳрирдаги «Йўл ҳаракати қоидалари» амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси бошлиғи Холматжон САЙДАЛИЕВ билан суҳбатимиз шу ҳақда.**

**— Холматжон Аҳмедович, энг аввало, қоидаларни янгилашдан кўзланган асосий мақсадларга тўхталиб ўтсангиз.**

— Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масаласига доимий равишда эътибор қаратиб келинмоқда. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар эса, ўз навбатида, йўл-транспорт ҳодисаларининг йилдан-йилга камайиб боришига хизмат қилаяпти. Хусусан, мустақиллик йилларида соҳага тааллуқли қонунлар, ҳукумат қарорларининг доимий равишда янгиланиб, қўшимчалар билан тўлдириб борилиши муаммо ечимига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бунга мисол қилиб 1999 йилда «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлиги, 2013 йилда эса ҳаракат иштирокчиларининг таклиф ва истакларини инобатга олиб, қоидаларга ўзгартиш киритилганини кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг йўл ҳаракати соҳасидаги бандлари такомиллаштирилди.

Сўнгги йилларда амалда бўлган «Йўл ҳаракати қоидалари»га маҳаллий шарт-шароитлар, жорий этилаётган янгиликлардан келиб чиққан ҳолда бир неча бор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Асосий мақсад эса ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишдан иборат.

**— «Йўл ҳаракати қоидалари»га 2015 йилнинг охирида киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида батафсил маълумот берсангиз.**

— Янги таҳрирдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»га 15 та қўшимча киритилиб, бир қанча ўзгартишлар амалга оширилди. Айрим атамалар аниқлаштирилди.

Аҳамият берсангиз, аввалги «Йўл ҳаракати қоидалари» матнида «автопоезд» деган сўз кўп эслатиб ўтилган. Шу сабабли ЙҲҚларининг умумий қисмига (1 боб) «Автопоезд» атамаси киритилиб, унинг маъноси очиб берилди. Унга тортувчи автомобиль ва ярим тиркама ёки автомобиль прицеп(лар)инининг қўшилган таркиби кириши белгилаб қўйилди.

Ҳозирги кунда техника тараққиёти натижасида автомобиль йўлларида «мотоцикл» атамаси билан айтилмайдиган, аммо айнан шу туркумга мансуб бўлган икки, уч ва тўрт ғилдиракли механик воситалар, яъни замонавий квадроцикллар, скутер ва электроскутерлар кўпайиб бормоқда. Ўз-ўзидан равшанки, улар томонидан ҳам «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг бузилиш ҳолатлари учраб турибди. Сўзсиз бундай ҳолатларни тартибга келтириш учун қоидага тегишли ўзгартиш киритиш зарурати яққол кўриниб қолди.

Шу сабабли «Мотоцикл» тушунчаси кенгайтирилиб, двигатель иш ҳажми 50 сантиметр³ дан юқори, тезлиги 50 километр соатдан ортиқ скутер, электроскутер ва квадроцикллар шу атамага киритилди. Эндиликда санаб ўтилган транспорт воситалари мотоцикл сифатида рўйхатга олинади ва уларга давлат рақами белгилари берилади. Бундай турдаги транспорт воситасини бошқарадиган ҳайдовчилар «А» тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлишлари шарт.

**— Демак, ҳозирги кунгача бундай транспорт воситаларини давлат рақами белгиси ва ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқариш мумкин бўлган, шундайми?**

— Ҳа, эндиликда бу мумкин эмас. Агар бундай қоидабузарлик қайд этиладиган бўлса, ҳайдовчиларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига асосан чора кўрилади. Яъни, мазкур кодекс 125-моддасининг 5-қисмига асосан жорий этилган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдорида жарима солинади. Агар транспорт воситаси ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқарилса, энг кам ойлик иш ҳақининг уч баробари миқдорида жазо қўлланади.

Маълумки, транспорт воситаларида ташилаётган йўловчилар, айниқса, болалар хавфсизлигини таъминлаш ниҳоятда масъулиятли вазифа. Шу сабабдан «Йўл ҳаракати қоидалари»га «Болалар гуруҳини ташкилий ташиш» атамаси киритилди. Унга кўра, 8 ва ундан ортиқ болаларни автобусда ташиш(йўналишли транспорт воситалари бундан мустасно) болаларни ташкилий ташиш эканлиги белгилаб қўйилди.

«Йўл ҳаракати қоидалари»ни эътибор билан ўқиганлар яхши билишадики, унда «ҳақиқий вазн» тушунчаси кўп учрайди. Бу сўз бирикмаси асосан транспортга оид меъёрлар ва давлат стандартларидан олинган. Шу боис қоидаларга транспорт воситасининг ҳақиқий вазнини (факт бўйича) белгилаш учун «ҳақиқий вазн» атамаси киритилди. Демак, «ҳақиқий вазн» деганда биз транспорт воситасининг юки, ҳайдовчиси ва йўловчиси билан биргаликдаги оғирлигини тушунамиз. Бу йўлларнинг оғирлик кўтариш имкониятига қараб транспорт воситаларининг йўналишларини белгилашда жуда муҳимдир.

Кези келганда, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этмоқчиман. Кўпчиликка маълумки, кейинги 5 йилликда ДЙҲХХ йўл-патруль хизмати фаолиятида йўл ҳаракати доирасидаги ҳуқуқбузарликларни автоматик тарзда аниқлаш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Шу сабабли «фото ва видеофиксация» ибораси йўл ҳаракати қоидасида ўз аксини топиб, маъмурий ҳужжатларда ҳам ифодаланаётир.

Бундан ташқари ҳайдовчиларни огоҳлантириш учун «Фото ва видеофиксация» ахборот-ишора белгиси ҳам жорий этилди. Бу янгиликнинг долзарблиги Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлигини компьютерлаштирилган бошқарув тизимини ишга тушириш билан чамбарчас боғлиқ.

**— Янги қоидаларда ҳайдовчиларга ҳам бир қатор мажбуриятлар юклатилибди. Улар нималардан иборат?**

— Эндиликда ҳайдовчи ҳаракатни бошлашдан олдин йўловчиларни ҳаракат вақтида танани(қўлни чиқариш бунга кирмайди) автомобиль салонидан ташқарига чиқариш мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантириши шарт. Худди шу талаб қоиданинг йўловчиларга тегишли 24-бандига ҳам қўшимча қилинди. Биласиз, сўнгги вақтларда, айниқса, тўй-тантаналарда танасини ташқарига чиқариб тасвирга олаётганлар тез-тез учраб турарди. Шу сабабли мазкур ўзгартириш киритилди. Қолаверса, ҳайдовчи йўловчиларга хавфсизлик камарини тақиб олиш шартлигини айтиши лозим.

Маълумки, куннинг қоронғу вақтларида, айниқса, ёритилмаган жойларда транспорт воситаси бирор-бир сабаб билан, масалан, носозлик туфайли тўхтаб қолиши бор гап. Шундай вақтда ҳайдовчи машинасини таъмирлаш учун ташқарига чиққанида хавфли ҳолат юзага келади. Йўлдан ўтаётган транспорт воситалари таъмирлаш ишлари билан банд бўлган ҳайдовчини кўрмай қолиши мумкин. Айнан шундай ҳолатларда йўл-транспорт ҳодисасига учраб, жароҳат олганлар ҳақида кундалик маълумотларимизда қайд этилган. Мана шуларни эътиборга олган ҳолда янги қоидаларда тунги вақтларда ҳайдовчиларга нур қайтарувчи махсус нимчаларни кийиб олиш мажбурияти юклатилади. Эндиликда ҳар бир транспорт воситасида тиббиёт қутичаси, ўт ўчиргич, мажбурий тўхтаганни билдирувчи белги билан биргаликда нур қайтарувчи махсус нимчалар ҳам бўлиши шарт.

Сўнгги вақтларда кўпчиликни ташвишлантираётган, йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқараётган, умуман, ҳаракатланиш хавфсизлигига жиддий рахна солаётган бир муаммо ҳам бор эди. Бу ерда гап йўлда ҳаракатланаётган пиёдаларнинг уяли телефон, планшетлардан фойдаланишлари, йўлда ҳаракатланаётган вақтда қулоқларига турли мосламаларни тақиб олиб гаплашишлари, мусиқа эшитиш ва ҳатто кино кўришлари ҳақида кетмоқда. Бу салбий ҳолат, айниқса, мактаб ва коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари орасида урф бўлиб қолганди. Кундалик маълумотларимизда айнан шу ҳолат сабабли транспорт ғилдираклари остига тушиб, ҳалок бўлганлар тўғрисидаги қайдлар талайгина.

Шу каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда йўл ҳаракати қоидаларининг 19-бандида пиёдаларга йўлда юрганда, пиёдалар учун ажратилган жойлардан ўтаётганда ҳаёлни чалғитувчи нарсалардан, жумладан, телефон, планшетлардан фойдаланиш, видео кўриш, газета, журнал ва китоб ўқиш ман этилади. Шу ўринда айрим мулоҳазаларни айтиб ўтиш ўринли бўларди. Бу ўзгаришлар ўз-ўзидан қабул қилинаётгани йўқ. Улар кўп йиллик изланишлар, тадқиқотлар, таҳлиллар, ҳаракат иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш натижасида амалга оширилади. Шу сабабли ушбу янгиликни фақат соҳа ходимлари эмас, кенг жамоатчилик, ота-оналар, мактаб ва коллеж ўқитувчилари ҳам ўрганиб, бошқаларга ҳам ўргатишлари керак.

**— Кўпгина давлатларда транспорт воситалари куннинг ёруғ вақтида ҳам яқинни кўрсатувчи чироқларини ёқиб юришади. Бу хавфсизлик нуқтаи-назаридан йўлга қўйилган бўлса керак, шундаймасми?**

— Тўғри таъкидладингиз. Транспорт воситалари куннинг ёруғ вақтида ҳам чироқларини ёқиб юрса, кўпчиликнинг эътиборини тортади. Янги таҳрирдаги қоидаларда ҳам шу нарса эътиборга олинди. Эндиликда ташкилий равишда одам олиб кетаётган, йўловчиларни ташиётган автобуслар, микроавтобуслар, шунингдек, мотоцикл ва мопедлар хавфсизликни таъминлаш чораларини кучайтириш учун куннинг ёруғ пайтида ҳаракатланаётганда ҳам яқинни ёритувчи чироқларини ёқиб юришлари шарт.

Бундан ташқари, қоидаларнинг транспорт воситалари бошқарувчиларининг ёшини белгиловчи 149-банди, ҳайдовчиларни тайёрлаш тўғрисидаги Низом талабларига мос равишда янги таҳрирда берилди. Демак, қоидаларга асосан «А» тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга ўқиётганларнинг ёши ўқишни битириш вақтида 16, «В» ва «С» тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга ўқиётганларнинг ёши ўқишни битириш вақтида 18, «Д» ва трамвай, троллейбусни бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун ўқиётганларнинг ёши ўқишни битириш вақтида 21 ёш бўлиши керак.

Умуман олганда, янги қабул қилинган қоидалар ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган. Қоида бандларини сўзсиз бажариш эса келгусида йўлларимизда хавфсиз ҳаракатланишни таъминлаб, одамларнинг соғлиғи ва ҳаётини муҳофазалашга хизмат қилади.

**Шухрат РАҲИМОВ**
**суҳбатлашди.**

**Муҳокама** учун мавзу

## Ўсимлик пояларидан муқобил ёқилғи

**Уларни қайта ишлаш орқали табиат мусаффолигини сақлаш, газ ва электр энергиясини тежаш имконияти яратилади**

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**журналист**

Ўшанда қишнинг чилласи эди. Телевизорда берилаётган кўрсатув кўп қаватли уйнинг иссиққина хонасида чой ичиб ўтирган Алишер Очиловнинг эътиборини тортди. Унда вилоятлардан бирида дов-дарахтлар сабабсиз кесиб кетилаётгани, бу эса она-табиат мусаффолигига жиддий путур етказаётганлиги тўғрисида сўз юритилиб, аниқ мисоллар келтирилди.

Мазкур нохушлик уни ҳам ўйлантириб қўйди: «Баъзи кишилар ўз манфаати учун нега ҳеч нарсадан тап тортишмайди? Дарахтларни кесиб, ўтин ўрнига ёқишдан кўра, бошқа ички имкониятлардан фойдаланса бўлади-ку! Ҳа, бўлади. Бунинг учун хоҳиш ва истак керак, холос». Кун бўйи муаммони ҳал этишнинг турли йўллари ҳақида бош қотирди.

Кечки пайт компьютер ёнига ўтириб, зарур сайтларни излади. Уларда Россия ва Хитой давлатларида ёғоч қипиғи ҳамда чиқиндисидан турли қурилишбоп материаллар тайёрланаётганлиги ҳақида кўплаб хабарлар берилган эди. Компьютер орқали ушбу иш жараёнини ўзича таҳлил қилиб кўрди. Қараса, айрим дастгоҳларни хом ашё турига қараб ўзгартириш ва зарур маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштириш мумкин экан. Бу борада юртимизда мавжуд имкониятларни чамалаб кўрди ва бир нарсага қатъий ишонч ҳосил қилди: агар ўша дастгоҳларни олиб келиб, уларни ғўзапоя, шоли чиқиндиси, сомон каби хом ашё воситаларини қайта ишлашга мослаштирилса, аҳолининг ўтин ва кўмирга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, ҳатто четга экспорт қилиш ва бундан яхшигина иқтисодий самара олиш мумкин.

Халқимизда «Етти ўлчаб, бир кес», деган гап бор. А.Очилов ҳам эзгу мақсадни дилига тугиб, пойтахт вилоятининг қишлоқ хўжалигига ихтисослашган йирик туманларидан бири — Бўкага йўл олади. Мутахассисларга учрашиб, фикрини айтгач, уни ўша даврда машина-трактор парки бошлиғи вазифасида ишлаётган Шокир Жўраевга рўпара қилишади. Шаҳарлик ишбилармоннинг истиқболли режаси уни қизиқтириб қўйгани рост. Икковлон ўтириб, бўкалик фермерлар ихтиёридаги майдонларда қолиб кетган ғўзапоя ва сомонни хомчўт қилишди. Ҳисоб-китоблардан аён бўлдики, биргина ушбу туман далаларидан йиғиштириб олинмаган ғўзапоя қайта ишланиб, ундан ўтин тайёрланса, ана шунинг ўзи билан вилоятда яшовчи аҳолининг қишлик эҳтиёжини бемалол қондириш мумкин. Мана, сизга яна бир қўшимча имконият!

Шундан сўнг ҳамкорликда бизнес-режа тузишиб, уни вилоят ҳокимлиги мутахассислари эътиборига ҳавола этишади. Очиғи, ушбу лойиҳа улар учун ҳам катта янгилик эди. Шу боис бизнес-режани якдиллик билан қўллаб-қувватлашди. Навбатдаги вазифа бўлажак корхона учун муносиб жой топиш ва ишни бошлашдан иборат эди. Бу борада Президентимизнинг 2013 йил 12 июлдаги фармони асқотди. Туман МТП очиқ акциядорлик жамияти тасаррруфидаги ташландиқ база шартнома асосида беш йил муддатга ижарага олинди ва қайта таъмирланди.

Янги корхонага «ALTER FUEL FROM STEM», яъни «Ўсимлик пояларидан муқобил ёқилғи» номи берилди. Россия ва Хитойдан зарур дастгоҳ ва технологиялар олиб келинди. Улар изланувчан тадбиркор Алишер Очилов томонидан ихчамлаштирилиб, хом ашё етказиб бериш бўйича туман фермерлари билан шартномалар тузилди. Ниҳоят орзиқиб кутилган кун етиб келди. Дастлабки тайёр маҳсулот вилоят ҳокимлигининг кўмаги билан Оҳангарон шаҳридаги «Нурободгресс» корхонаси лабораториясида синаб кўрилганда, унинг натижаларидан мутахассислар ҳам лол қолишди: яъни, шоли қипиғидан тайёрланган ўтиннинг иссиқлик қуввати 3 минг кило калория, алангаланиш даври 2,5 соат ва чўғланиш муддати эса 4,5 соат эди. Ғўза ва шоли қипиғи аралашмасидан тайёрланган маҳсулотники эса бундан икки баравар кўп эканлиги аниқланди. Қолаверса, кўмир таркибидаги зарарли газ миқдори 40 фоиз бўлса, ўсимлик пояларидан тайёрланган муқобил ёқилғида бу кўрсаткич 2-6 фоиздан ошмас эди.

Энг муҳими, тадбиркор 12 нафар ёшни янги корхонага жалб қилиб, уларга дастгоҳларни бошқариш, хомашёни қайта ишлаш сирларини ўргатди. Шу тариқа 2014 йил бир ой оралиғида 100 тонна маҳсулот тайёрланиб, ҳар килоси 500 сўмдан баҳоланди ва республикамиз ҳудудларига етказиб берилди. Кўп ўтмай, Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда водий вилоятларидан буюртмалар туша бошлади. Ўсимлик пояларидан тайёрланган муқобил ёқилғига талаб ошаётганини кўрган тадбиркор мавжуд цехни кенгайтириш, дастгоҳлар сонини 6 тага, ишчи ўринларини 40 тага етказишга жазм қилди. Бунинг учун имкониятлар етарли эди. Агар ўйланган режа амалга ошса, ойига ўртача 280-350 тонна, бир йилда эса 5 минг тоннагача арзон ва сифатли ёнилғи тайёрлаш мумкин эди. Ана шунда одамлар дарахтларни ҳуда-беҳуда кесишмайди, табиатга зиён-заҳмат етказишмайди.

Ҳаётнинг синовлари кўп. Уларни енгиб ўтиш учун инсонда мустаҳкам ирода бўлиши лозим. Алишер Очилов ҳам давлатимизнинг тадбиркорларга кўрсатаётган ғамхўрликларидан руҳланиб, эл-юртга кўпроқ наф келтириш учун тиниб-тинчимасди. Уч йиллик елиб-югуришлар, изланишлар ўз самарасини бериб, ғўзапоя, сомон ва шоли қипиғидан тайёрланган ёқилғи республикамиз бўйлаб оммалаша бошлаган кунларнинг бирида...

Тошкент вилояти МТП очиқ акциядорлик жамияти раисидан бир энлик хат келди. Унда Бўка тумани машина-трактор парки АЖ билан беш йилга тузилган шартнома бекор қилингани билдирилган, шу боис бинони бўшатиб қўйиш талаб этилган эди. Ташландиқ ҳолдаги иншоотни ўз ҳисобидан таъмирлаган, электр энергияси ва бошқа имкониятларни шакллантирган ҳамда шартнома шартларини вақтида бажариб, қарздорликка йўл қўймаган тадбиркор аввалига бошқарув раисининг қароридан ҳайрон бўлди.

— Шундан сўнг раҳбар билан юзма-юз учашиб, унга ўз таклифларимни айтдим. Агар АЖ бизга таъсисчи бўлса, йилига бундан камида 100 млн. сўм фойда кўриши мумкинлигини билдирдим. Бироқ бошқарув раиси ҳамон ўз сўзида қатъий турибди. Давлатдан бир сўм ҳам ссуда олмасдан, фаолиятимизни уч йил давомида йўлга қўйгандик. Таассуфки, цехимиз бир ой ҳам ишламасдан сунъий тўсиққа учради. Бу борада мутасадди ташкилотларга бир неча бор ёзма ва оғзаки мурожаат этдик. Бироқ ҳанузгача жўяли жавоб олганимиз йўқ, — дейди А.Очилов. — Вақт эса ўтиб бормоқда. Фаолиятимиз тўхтатиб қўйилганига ҳадемай бир йил бўлади. Агар корхонамиз ишлаб турганида аҳолига салкам беш минг тонна маҳсулот етказиб берилган, энг муҳими, 40 нафар йигит-қиз бандлиги таъминланган бўлар эди. Афсус...

Тадбиркорнинг юқоридаги фикрлари ҳар қандай кишини ўйлантириб қўяди. Чиндан-да, бу хайрли иш нафақат Бўка тумани ёки пойтахт вилояти, балки республикамизда ҳам кенг йўлга қўйилганда, юқорида таъкидланганидек, газ, кўмир, электр энергияси каби табиий воситалардан анчагина тежамкорликка эришилган бўлар эди. Яна ким билади, дейсиз. Балки мутасаддилар ушбу масалада жиддий ўйлаб кўриб, аниқ бир тўхтамга келишар. Энг муҳими, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун юртимизда хом ашё захиралари бисёрлигида! Нима дедингиз?

**Реклама** ўрнида

## Тадбиркор-экспортчилар жамғармадан мамнун

**Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис жойларда ишбилармонлар учун қулай шарт-шароит яратиш, уларга қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш, ташаббусларини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Ушбу жараёнда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси муҳим ўрин тутади. Жамғарма тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишга ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий жиҳатдан кўмаклашмоқда. Бунинг самарасида иқтисодиётимиз таркибида хусусий сектор ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётир.

Мазкур жамғарманинг Хоразм вилоят филиали маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижга йўналтириш, тижорат таклифлари орқали янги харидорлар топиш, экспорт қилувчиларни эҳтимолли хавф-хатарлардан ҳимоялаш, бошқа мамлакатлар қонунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензия ва сертификатлар олишда ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Филиал томонидан 2015 йилда 20 га яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига кўрсатилган ҳуқуқий-ташкилий кўмак натижасида озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари ҳамда туристик хизматлар ҳисобидан жами 11 млн. АҚШ долларига яқин маҳсулот экспорт қилинишига эришилди.

Шунингдек, вилоятнинг барча туманларида доимий равишда тадбиркорлар билан давра суҳбатлари ўтказилиб, ишбилармонлар, айниқса, экспортчилар учун яратилаётган қулайликлар, имтиёз ва шароитлар, хорижий давлатларда ўтказилиши режалаштирилган кўргазма ва ярмаркалар хақида батафсил маълумотлар берилмоқда. Бир сўз билан айтганда, филиал ходимлари тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини ташқи бозорга чиқаришда бевосита ёрдамлашяптилар.

***Филиал томонидан 2015 йилда 20 га яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига кўрсатилган ҳуқуқий-ташкилий кўмак натижасида озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари ҳамда туристик хизматлар ҳисобидан жами 11 млн. АҚШ долларига яқин маҳсулот экспорт қилинишига эришилди.***

— Бу эса ҳудудда жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратишга хизмат қиляпти, — дейди «Урганч Бахмал» корхонаси директори Баҳодир Аҳмедов. — Бугун вилоятимизда ўз маҳсулотлари ва хизматларини бемалол чет элга сотишга интилаётган тадбиркорларимиз кўпайиб бораётгани бу борада олиб борилаётган амалий ишлар самарасидир.

Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда экспорт салоҳиятига эга корхоналар фаолияти таҳлил қилиниб, мавжуд маълумотлар қайта шакллантирилди. Шу билан бирга, омборхоналарда сақланаётган тайёр маҳсулотларни экспортга чиқариш чоралари кўрилмоқда.

Хуллас, филиал жамоаси хорижий мамлакатларнинг ташқи савдо амалиёти билан боғлиқ қонунчилик меъёрларини чуқур ўрганиш, жойларда тадбиркорлар билан бевосита учрашувлар ташкил этиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортименти ва турларини, шунингдек, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлик даражасини аниқлаш йўлида барча имкониятларни сафарбар этмоқда.

**Фахриддин НУРАЛИЕВ.**

*Хизматлар лицензияланган.*

# ЖАРАЁН

**14 январь –** Ватан ҳимоячилари куни

# Жасорат мактаби

**Ватаннинг тоғу адирлари ҳам, чўлу дарёси, боғу даштлари ҳам ўзини, ўзлигини англаган инсон учун қадрли. Юрт корига яраш, унинг обрў-эътибори юксалишига муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.**

**Фахриддин НУРАЛИЕВ,**
«XXI asr»

Ана шу бурчни сидқидилдан адо этиб келаётган, қалбида ватанпарварлик, ота масканга садоқат туйғуси жўш урган ҳарбий спортчиларимизнинг нуфузли мусобақаларда эришаётган натижалари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий спорт клуби аъзолари ҳам спортчи, ҳам ҳарбий хизматчи сифатида халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишни асосий мақсад деб билишади.

— Давлатимиз байроғини доимо баланд тутиш бизнинг нафақат вазифамиз, айни пайтда фарзандлик бурчимиздир, — дейди Олимпия ўйинлари бронза медали совриндори, икки карра жаҳон чемпиони, капитан Ришод Собиров. — Бу туйғу бизга ғайрат-шижоат бағишлайди, янги-янги ғалабалар сари руҳлантиради.

Ўтган йилги мавсумда Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари мамлакат ва халқаро миқёсдаги турли даражадаги мусобақаларда 374 та олтин, 261 та кумуш, 205 та бронза, жами 840 та медални қўлга киритишди. 2015 йилда ҳарбий спортчиларимизнинг 8 нафари «спорт устаси» меъёрларини муваффақиятли бажаришди.

Ўзбекистон ўсмирлар, ёшлар ҳамда миллий терма жамоалари таркибида жаҳон чемпионатлари, Осиё биринчиликлари, дунё ва қитъа кубоги учун баҳслар, Гран-при туркумига кирувчи йирик халқаро мусобақаларда иштирок этишган МҲСК вакиллари мазкур мусобақаларнинг 66 та олтин, 56 та кумуш, 38 та бронза, жами 160 та медалига эга бўлишди.

Эътиборлиси, халқаро майдондаги мусобақаларда енгил атлетикачиларимиз илғор. Улар жами 39 та (15 та олтин, 16 та кумуш ва 8 та бронза) медални ўз ҳисобларига ёзиб қўйишди. Кейинги поғонадан дзюдочиларимиз жой олишган. Улар жами 33 та (7 та олтин, 9 та кумуш ва 17 та бронза) медалига эгалар. Таэквондочиларимиз МҲСКнинг 2015 йилги сарҳисоби бўйича жами 24 та (12 та олтин, 8 та кумуш ва 4 та бронза) медали билан учинчи ўринга эгалик қилишди.



Ҳозирда Марказий ҳарбий спорт клубида ўн бешта спорт тури оммалашган. Бокс, баскетбол, кураш (эркин ва юнон-рум), ҳарбий-амалий спорт турлари ва ҳарбий-амалий яккакурашлар (армрестлинг, қўл жанги ва универсал жанг, автоспорт), сув полоси, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, дзюдо, миллий кураш, енгил ва оғир атлетика, таэквондо, теннис, милтиқдан ва камондан ўқ отиш, трамполин ҳамда регби шулар жумласидан.

МҲСКнинг мамлакатимиз терма жамоалари учун юқори тоифали спортчиларни тайёрлашда ҳам ўрни аҳамиятли. Улардан 10 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, 44 нафари халқаро тоифадаги спорт устаси, 168 нафари спорт устаси, 226 нафари спорт усталигига номзод. Ўқув-машқ жараёнига 23 нафар малакали, хусусан, икки нафари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий жалб этилган.

Жорий йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига ўн нафар ҳарбий спортчи — Дмитрий Шокин ва Жасур Бойқўзиев (таэквондо WTF), Хуршид Тожибоев, Бектемир Мелиқўзиев ва Мурожон Аҳмадалиев (бокс), Ольга Умаралиева, Вадим Меньков ва Мирбек Серик (байдарка ва каноэда эшкак эшиш), Ришод Собиров (дзюдо) ҳамда Екатерина Воронина (кўпкураш), шунингдек, 2016 йилги XV Паралимпия ўйинларига Адилжон Тулендибоев ҳамда Шуҳрат Бобоев дзюдо бўйича йўлланмаларни қўлга киритиб улгуришди.

МҲСК аъзоларидан 2016 йилда ҳам улкан муваффақият ва зафарлар кутиб қоламиз. Албатта, улар билдирилган юксак ишончни оқлаш, мусобақаларда энг юқори поғоналардан жой олишга ҳаракат қилишади. Бинобарин, жорий йилда юртимиз байроғини баландга кўтариш учун ҳарбий спортчиларимиз XXXI ёзги Олимпия ўйинлари шиддатли баҳсларида иштирок этишади. Асосийси, етакчи спортчиларимизни бугун нафақат юртимиз, балки жаҳонда ҳам малакали, маҳоратли, кучли, деб тан олишяпти. Шунинг ўзи уларнинг жасорат мактабида тарбияланганидан далолатдир.

**Реклама** ўрнида

# «Микрокредитбанк»нинг макро хизматлари

## хусусий корхона эгаларини янги марраларга чорлаяпти

Замонавий тадбиркорликни банклар ҳамкорлигисиз тасаввур этиш қийин. Тезкор давр талаблари ишбилармонларни тинимсиз изланиш, нафақат бугунги кун, балки эртага вазият қандай бўлишини ҳис эта олишга ундаётир.

Бугунги истеъмолчи ҳам кечагисидан фарқ қилади. Энг янги, энг замонавий маҳсулотларни танлаб-танлаб олади. Уларнинг дидига мосини бозорга олиб чиқиш учун эса корхоналарни модернизациялаш даркор. Ана шундай пайтда тадбиркорга энг биринчи навбатда молиявий кўмак зарур бўлади.

Айни пайтда бундай ёрдам қўлини чўзишга ҳозиру нозир банклар талайгина. Зотан, улар ҳам худди тадбиркор сингари ишончли ҳамкор излайди. Замонавий хизматларни таклиф этади. Ана шундай молия муассасаларидан бири, шубҳасиз, «Микрокредитбанк»дир.

Президентимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, соҳани ривожлантиришга хизмат қилувчи имтиёз ҳамда имкониятлар яратиб берилаётганлиги бизни янги марралар сари руҳлантирмоқда. Шахсан мен «Микрокредитбанк»нинг тадбиркорлар учун ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, оилавий бизнесни ривожлантириш, касаначиликни тараққий эттириш, хотин-қизлар, ёшларни иш билан таъминлаш каби аниқ мақсадга йўналтирилган истиқболли лойиҳаларни янада кенгайтириш борасидаги фаолиятини эътироф этмоқчиман. Ўзимиздан қиёс: 2015 йилнинг март ойида «Микрокредитбанк»нинг юз миллион сўмлик мадади билан тикув цехини замонавий дастгоҳлар билан жиҳозладим. Натижада ишчиларимиз сони ўн нафарга кўпайди. Маҳсулот ҳажми эса икки баробарга ортди.

Оддий бир тадбиркор сифатида саноатда, умуман, жамият тараққиётида ҳиссам борлигидан фахрланаман. Фаолиятимни ривожлантиришда эса яқин ҳамкорим — «Микрокредитбанк»ка суянаман.

**Нигина РАҲМОНОВА,**
**Бухоро шаҳридаги «NIGIN-TEXTILE» МЧЖ раҳбари.**

# Ўзаро ишонч асосига қурилган ҳамкорлик



Қамаши туманидаги «Полимер черепица» хусусий корхонаси раҳбари Арслонбек Исматуллаевнинг таъкидлашича, у 2009 йилдан буён «Микрокредитбанк» билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиб келаяпти.

Мазкур банк билан ҳамкорлигимиз дастлабки кунданоқ ўзаро ишонч асосига қурилди. Умуман айтганда, тижорат банклари томонидан молиявий ёрдам муваффақиятли бизнеснинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Республикамизда тадбиркорлик субъектлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилгани, хусусан, кредит оламан, деган тадбиркорлар учун қулай имкониятлар мавжудлиги туфайли хусусий корхоналар йил сайин ривожланиб бормоқда. Бунга шахсий тажрибам мисол. Айниқса, 2015 йил корхонамизга жуда омадли келди.

«Микрокредитбанк» томонидан 186 миллион сўм миқдорида кредит ажратилгач, корхонамизни янада кенгайтириб, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳсулот сифатини яхшилашга эришдик. Шу билан бирга, ушбу маблағнинг бир қисмини зарур хомашёларни харид қилишга йўналтирдик. Натижада маҳсулотларимиз ҳажми ҳам, сифати ҳам ошди. Соф фойдамиз тобора кўпайиб бормоқда. 10 та янги иш ўрни яратдик. Ҳозир корхонада ишлаб чиқарилаётган полимер-черепицага ички бозорда талаб катта. Уни турли корхоналар ва аҳолига буюртма асосида етказиб беряпмиз.

* * *

Кўриб турганингиздек, номи «Микрокредитбанк» бўлгани билан мижозларга макрохизматлар кўрсатаётган банк фаолиятидан тадбиркорлар мамнун. Ўртадаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик эса давлатимиз ва жамиятимиз тараққиётига хизмат қилмоқда.

**Мусурмон РЎЗИЕВ тайёрлади.**

*Хизматлар лицензияланган.*

**Реклама** ўрнида

# МОЛИЯ МУАССАСАСИ ВА МИЖОЗЛАР МУНОСАБАТИ



**Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида замонавий банк хизматлари кўрсатиш, янги иш ўринлари ташкил қилиш ва пировардида аҳоли даромадларини ошириш мақсадида иқтисодиётнинг барча тармоқлари, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоасининг фаолияти ҳам эътирофга лойиқдир.**

Молия хизматлари бозорида етакчилик мавқеини сақлаб келаётган мазкур банк томонидан ажратилаётган кредит маблағлари ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши, аҳолининг даромадлари ошиши ва турмушининг фаровонлиги, юртимиз иқтисодиётининг тараққий этиши ҳамда жойларда янги иш ўринларининг яратилишида муҳим омил бўлаётир.

**Рустам ШАРИПОВ, «OSIYO BOTIRI» масъулияти чекланган жамияти директори:**

— «Ўзсаноатқурилишбанк» билан молиявий ҳамкорликка бел боғлар эканмиз, кўзлаган режаларимиз рўёбга чиқишига аввалдан ишонган эдик. Чунки мазкур банк республикамиздаги ишончли молия муассасаларидан бири бўлиб, хусусий корхоналар ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётганини яхши биламиз. Бизнинг корхонамиз ушбу банкка мижоз бўлганидан буён молиявий қийинчиликларга дуч келмади. Чунки мижоз манфаати биринчи ўринга қўйилган.

Айни пайтда банк кредити ҳисобига замонавий ускуналар сотиб олдик ва юқори сифатли ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришни давом эттираяпмиз.

Ўтган давр мобайнида маҳсулотларимиз сифатига умуман эътироз билдирилмади. Аксинча, фаолиятимизни кенгайтириб, 30 га яқин янги иш ўрни яратдик ва уларга асосан касб-ҳунар коллежи битирувчиларини қабул қилдик.

Тадбиркорлик ҳаракати туфайли Ватанимиз гуллаб-яшнамоқда, мамлакат куч-қудрати ортиб, халқимиз фаровон ҳаёт кечираётир. Бундай олижаноб ишга барча тадбиркорлар қатори мен ҳам улуш қўшаётганимдан мамнунман. Ана шу натижаларга эришишимизда «Ўзсаноатқурилишбанк» том маънода қанот бўлмоқда.

**Баҳриддин БОБОЕВ, «ARTIKUL AZIYA KABEL» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона раҳбари:**

— Истиқлол шарофати билан барча ҳудудларимизда замонавий инфратузилма ривожланиб, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, янги-янги ишлаб чиқариш мажмуалари барпо этилмоқда. Аҳолининг турмуш фаровонлиги ортаяпти. Бу муҳим ишга тадбиркорлик субъектлари ҳам муносиб ҳисса қўшаяпти. Бирни мингга айлантирадиган, қадамидан ўт чақнаб, қалбида юрт истиқболи учун эзгуликларни жамлаган ишбилармонлар учун эса барча имконият эшиклари очиқ. Мен ҳам улар сафида эканимдан фахрланаман.

Аҳолининг маиший электр ўтказгичларга бўлган эҳтиёжини қондириш баробарида корхонамиз фаолиятини янада ошириш учун кредит сўраб, «Ўзсаноатқурилишбанк»га мурожаат қилдим. Банк ходимлари бизнес-режамни ўрганиб чиқиб, маъқуллашди ва зарур миқдорда маблағ ажратишди. Натижада иш унуми 1,5 марта ошди. Ҳозирда бир неча турдаги маиший электр ўтказгичларни ишлаб чиқармоқдамиз. Эришаётган натижаларимиз чакки эмас. Тадбиркор ҳамиша янги-янги режалар оғушида юради. Биз ҳам ишимизни янада ривожлантириш мақсадида янги бизнес режа тайёрлаяпмиз. Уни амалга оширишга «Ўзсаноатқурилишбанк» яна кўмак беришига ишонаман. Шу сабабли сира иккиланмай янгиликларга қўл ураяпман.

**Шавкат САПАЕВ, «Урганч-Дилшохбек Инвест» хусусий корхонаси раҳбари:**

— Корхонамиз жамоаси саккиз йилдан зиёд вақт мобайнида Урганч туманида полиэтилен ва пластик қувурлар, темир эшик ва панжаралар ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келади.

Маҳсулот салмоғини янада ошириш, шу орқали кўплаб янги иш ўринлари яратишни режалаштирган ҳолда бизнес-режа ишлаб чиқиб, «Ўзсаноатқурилишбанк»дан мунтазам равишда кредит маблағлари олиб келаяпмиз. Жумладан, жорий йилда мазкур банкнинг Хоразм минтақавий филиалидан хом ашё ва асосий воситалар сотиб олиш учун 100,0 млн. сўмлик кредит маблағи ажратилди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати ортиб, истеъмолчилар талаби даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлдик. Айни пайтда корхонамиз йилига 600-700 млн. сўмлик маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Эришилаётган муваффақиятлар эса нафақат меҳнатимиз, балки яратилаётган имкониятлар, берилган имтиёзлар туфайлидир.

***Мухтасар айтганда, мамлакатимизда пул-кредит муносабатлари такомиллаштирилаётганлиги кутилган самарани бермоқда. «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси жорий йилда янада катта режаларни кўзлаган. Мижозлар сафини кенгайтириш, уларга замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар ишга солинаяпти. Ўзаро ишонч ва манфаатли ҳамкорлик эса молия бозорида ҳал қилувчи омиллардан биридир.***

*Хизматлар лицензияланган.*

**Қадрият**

# Ён қўшни — жон қўшни

— Мана, дугонажон, янги йил арафасидаги суҳбатимизни давом эттириш фурсати келди. Биласизми, яқинда кўчиб келган қўшнимизнинг уйига бегоналар «ташриф» буюраётганини кўп учратяпман. Беарволигимми, билмадим, улар ҳақида маҳалла мутасаддиларини огоҳлантиришга имкон топа олмаяпман. Огоҳлик давр талаби эканлигини гапирамизу, лекин амалда...

— Нимасини айтасиз, баъзи қўшниларнинг ҳатто бир-бирларини танимаслиги, боз устига, қандай инсонлар билан қўшни бўлаётганига қизиқмаслиги, энг ачинарлиси, ҳолидан хабар олмаслик, у билан «иши бўлмаслик» ҳолатлари шаклланаётгани кишини ўйлантириб қўяди.

— Тўғри, бугун бу каби ҳолатларни кўпқаватли уйларнинг деярли ҳар бирида учратиш мумкин. Авваллари қўшнининг ҳар бир муаммосида-ю шодлигида елкадош бўлардик. Наҳот эндиликда «сен менга тегма, мен сенга тегмай» қабилида иш юритсак?..

— Боболаримиз доим **«Хонадоннинг олд томонидан қирқ ҳовли, орт томонидан қирқ, ўнг томонидан қирқ, сўл томонидан қирқ ҳовлининг ҳаммаси қўшнинг ҳисобланади»,** дея таъкидлашларида кўп гап бор-да. Нима дедингиз, дугонажон?

— Сизга айтсам, бугунги «замонавий» қўшниларнинг ўзаро бегоналардай муносабатларидан ажабланасан киши. Бир девор ортидаги инсонларга бефарқлик ҳам майли, ҳатто уларнинг фаровон турмушига ҳасад кўзи билан қараб, ёмонлик тиловчи «қўшнилар» ҳам учраяпти.

Ҳатто латифанамо гаплар ҳам пайдо бўлди: сеҳргарни учратиб қолган бир одам ундан бирор тилагини рўёбга чиқаришини сўрабди. Сеҳргар бир шарт билангина рози бўлишини айтибди. «Агар хоҳлаган тилагингни амалга оширсам, қўшнингга худди ўша нарсанинг икки баравари насиб этади», дебди у. «Унда бир кўзим кўр бўлиб қолсин», дермиш бояги одам. Эътибор берган бўлсангиз, ҳар бир латифаю ҳангоманинг тагида бир ҳақиқат, яширин дард бўлади.

— Бу латифа аслида йиғлашимизга ҳам асос бўлади. Ахир бугун ён-атрофимизда бўлаётган хунрезликлар, қонли тўқнашувларнинг барчаси тинч-фаровон ҳаётни кўролмаслик оқибати эмасми?

— Буни қаранг, нималар юз беряпти дунёда. Биз эса ён қўшнимизнинг ҳатти-ҳаракатларидан бехабармиз. Аммо, минг шукур, шундай қўшнилар борки, бир оила аъзоларидай. Ўзаро муносабатидан кўнглингиз яйрайди. Бундайлар кўпчилик. Улар яхши-ёмон кунингизда ҳар доим тиргак бўлади. Биз, меҳмондўст ўзбек халқи турли маросимларда камчилик сезсак, қўшнимизга тиргак бўламиз.

— Ҳамманинг ҳам яхши қўшнига эҳтиёжи бор. Баъзида қўшнининг бир оғиз таскин сўзига илҳақ бўласиз. Бундан ташқари, қўшнилар хонадонингиз қўриқчиси, уйингизга келиб-кетганларнинг назоратчиси ҳамдир. Ишларингиз кўпайиб кетганда, фарзандингизни боғча ёки мактабдан олиб келадиган ҳам қўшнилар. Иссиқ-совуғингизда биринчи «лаббай» дегувчилар ҳам улар.

Шундай экан, ўзи еб турган таомини қўшнига илиниш, ҳар куни ҳол сўраб йўқлаш, яхши-ёмон кунда суянчиқ бўлиш элимизга хос фазилат эканлигини асло унутмайлик! Зеро, тараққиёт асрий анъаналарни поймол қилиш билан эмас, балки қадриятларга ҳурмат руҳида ёндашиб, уларга амал қилиш билан юзага келади.

**Дугоналар «гурунги»ни Севара ва Нигора оққа кўчирди.**

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР:** Норқобил ЖАЛИЛОВ.
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.
**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** XXI_ASR@mail.ru

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Буюртма рақами: S 4892 Тираж: 15120
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.
**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**
ISSN 2181-497X
Навбатчилар: Н.ТОШЕВ, Ш.РАҲИМОВ.